Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz ● www.adolat.uz ● № 5 (864) ● 2012 йил, 3 февраль, жума

Тараққиётимизнинг янги босқичи

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган, 2012 йил 19 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси катта таассурот қолдирди. Маърузанинг "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" деб номланиши бежиз эмас. Бу жиддий ҳисоб-китобларга асосланган, ўтган қисқа, бироқ асрларга татигулик тарихий даврни таҳлил қилиш асосида илгари сурилган аниқ илмий башорат ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда 8,5 фоизни, 2011 йилда эса 8,3 фоизни ташкил этгани алоҳида эътибор ва эътирофга сазовордир.

Мамлакатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат туфайли Ўзбекистонда кузатилаётган барқарор ижтимоий иқтисодий ўсиш суръатлари яқин ва ўрта йилларда сақланиб қолажагини нафақат ўзбекистонлик, балки жаҳондаги қатор йирик иқтисодчи олимлар, халқаро молиявий институтларнинг вакиллари ҳам тасдиқламоқдалар. Жумладан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси вакиллари 2012 йилда Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаслигини башорат қилмоқдалар. Жаҳон банки 2011 йилнинг охирида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий дастурларни молиялаштириш учун қўшимча 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратишга розилик берганлиги ҳам танлаган йўлимиз нақадар тўғрилигининг яққол исботидир.

Давоми 4-бетда ➤

Таълим ва тарбия уйғунлиги

миллий тараққиётга эришиш кафолати

Нуқтаи-назар

Жамият тараққиёти, миллий фаровонлик ҳамиша ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимларни чуқур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак малакаси билан боғлиқ бўлиб келган. Кекса авлод эришган ютуқларга, улар тўплаган тажрибага таяниб, мамлакатнинг илмий, иқтисодий, маданий-маърифий салоҳиятини янада кўтариш ҳамиша ёшлар зиммасига тушган. Шу боисдан ҳам истиқлолимизнинг илк қадамларидан бошлаб, мамлакатимизда янги замон авлодини тарбиялаш, улар дунёқарашини янгича қадриятлар асосида шакллантириш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бунда энг муҳими, таълим-тарбия тизимида собиқ тузумдан қолган эскича қолиплардан тезроқ воз кечиш, таълимга доир энг илғор, замонавий, халқимизга хос миллий-маънавий ва ахлоқий қадриятларга ҳамоҳанг усулларни топиш ва амалиётга жорий этиш, шарқда қадимдан амалда бўлган принцип — таълим ва тарбияни бир-биридан ажратмаслик ва уларнинг ўзаро мутаносиблигига эришиш ғоят муҳим аҳамиятга эга эди. Давлатимиз раҳбарининг сўзлари билан айтганда, «Таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди».

Давоми 3-бетда ➤

Ўзликни англашда бебаҳо манба

"Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобини ўқиб-ўрганиш давом этмоқда



Кундан-кун қадр топиб бораётган мустақиллигимизга эришиш арафасидаги сиёсий бўҳронлар, моддий ва маънавий йўқотишлар, тажовуз ва тазйиқлар гирдобида қолган халқимиз ўзининг асрий орзуси — Истиқлолга осонликча эришмади. Мамлакат тақдирини ҳал қилувчи суронли тўқсонинчи йиллардаги ўта мураккаб вазиятда ўйланмасдан қўйилган биргина қадам, ножўя хатти-ҳаракат мамлакатни разолат ботқоғига, халқимизни парокандаликка дучор қилиши мумкин эди.

Халқимизнинг бахтига шундай оғир кунларда катта ҳаётий тажрибага эга, зукко, матонатли, принципиал, мард ва жасур раҳбар Ислом Каримов янги давлат раҳбари сифатида сиёсий майдонга кириб келди.

Ҳар томонлама таназзулга юз тутган аграр мамлакатнинг янги раҳбарини жуда жиддий ва қалтис синовлар кутарди.

Давоми 3-бетда ➤

Партия фаолиятидаги устувор вазифалар

уларни амалга ошириш партия ташкилотларидан замон талабларига ҳозиржавоб бўлишни тақозо этади

Ижроия Қўмита йиғилиши

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ижроия Қўмита аъзолари, партия экспертлари ва фаоллари иштирок этишди.

Йиғилиш кун тартибига кўра дастлаб «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» номли маърузасидан келиб чиқадиган Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳамда унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

— Президентимиз 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратиб келинаётганлигини алоҳида эътироф этдилар, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров.

Давоми 2-бетда ➤

Партиянинг ҳар бир ходими

аввало сиёсий жараёнлардан, ислоҳотлар тадрижийлигидан хабардор бўлиши, янгиланишлар мазмун-моҳиятини теран англаши даркор

Сиёсий ўқиш

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари, уларнинг фаоллари учун сиёсий ўқиш ташкил этилди.

Тадбирда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия шаҳар ва туман кенгашлари раислари, фаоллар иштирок этди.

Сиёсий ўқишда Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепциянинг мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичидаги ўрни, истиқболдаги ривожланиш жараёнидаги аҳамияти хусусида сўз юритилди. Хусусан, бу ҳақда Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси З.Муҳиддинов «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга ошириш — истиқболдаги тараққиёт омили» мавзуидаги маърузасида алоҳида тўхталиб ўтди.

Унинг таъкидлашича, мазкур Концепция босиб ўтилган 20 йиллик тараққиёт йўлимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини таҳлил қилиш, бир томондан, мустақилликнинг шукронаси, унинг қадрига етиш, иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёнини сарҳисоб қилиш, учинчидан, бу борадаги долзарб, айни пайтда ўта масъулиятли вазифаларимизни янада чуқурроқ англаш имконини беради.

Давоми 2-бетда ➤

Нуронийлар —

ислоҳотларнинг фаол иштирокчилари

Сарҳисоб

Нуронийлар, умрнинг пасту баландини бошдан кечирган, ёши улуғ инсонларнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? «Қари билганни пари билмас» деган нақл чин маънода кўп асрлик тажриба натижасида айтилган. Дунёда замонавий технологиялар воситасида кўп нарсаларни вужудга келтириш мумкиндир, лекин ҳаёт тажрибасига эга бўлиш учун умр манзилларини босиб ўтиш шарт.

Ўзбек халқининг азалий қадриятларида ота-онанинг ҳурмати ҳамиша жойига қўйиб келинган. Оилада «Отанинг гапи гап», «Жаннат оналар оёғи остидадир» деган пурҳикмат иборалар миллатимизнинг қанчалик инсонпарвар эканлигини ёрқин ифодалайди.

Шундай экан, меҳрибон ота-оналарнинг суҳбатлари, ёшларга берган йўл-йўриқлари ўсиб келаётган авлод томонидан бажонидил қабул қилинади. Қариялар айтаётган ҳар бир калом ҳамиша эзгу ниятларни кўзлаб янграйди.

Давоми 5-бетда ➤

Жамоатчилик назорати:

Партия кенгашлари ва матбуот ҳамкорлиги

Маърузачининг таъкидлашича, жамоатчилик назоратини амалга оширишда меҳнат жамоаларида бошланғич партия ташкилотларини тузиш ва улар фаолиятини долзарб масалаларга йўналтириш қутилган натижаларни бермоқда. Чунки жамоатчилик назорати энг аввало қуйида амал қилган тақдирда бошқарув идоралари фаолиятида ҳисобдорликни таъминлаш, маъмурият доирасида қабул қилинаётган қарорларнинг жамоа манфаатларига мос келишига эришиш мумкин.

4-бет

«Шоҳ асар» эъзози

«Мустаҳкам оила» ғоясининг амалий ифодасини биринчи галда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораси деб ном қозонган маҳалла тизимида янада ойдинроқ, ёрқинроқ кўришни жуда-жуда истардик. Айниқса, хоҳ шаҳарда бўлсин, хоҳ қишлоқда — ёш оилаларга ҳар томонлама кўмак бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, борини ошириб, йўғини яшириб, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш — ана шу ноёб ижтимоий тузилма, эл-улус виждони — маҳалланинг эътибори ва ғамхўрлиги билан ҳамоҳанг.

5-бет

Шоир асарларида адолат ва ҳақиқат тараннуми

Ҳақ ва адолат йўлида қилинган ҳар қандай иш катта-кичиклигидан қатъи назар, эзгуликдир. Инсон зоти, Навоий таъбири билан айтганда, эгаллаб турган мансаби-ю мол-дунёси билан эмас, халқ манфаати йўлида, юрт ободонлиги учун қилган эзгу саховати билан улуғ. Ҳақ ва ҳақиқат йўлида захмат чеккан кишиларнинг номлари тарихда абадул-абад қолади. Эзгулик, савоб ишлар боқий.

8-бет

Партия ҳаёти

Партия фаолиятидаги устувор вазифалар

уларни амалга ошириш партия ташкилотларидан замон талабларига ҳозиржавоб бўлишни тақозо этади

Давоми. Бошн 1-бетда

— Ушбу тамойил кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортиб, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарганида намоён бўлганлиги баён этилди.

Ижтимоий соҳада эришилган ушбу ижобий натижалар партиямиз дастурий ғоя ва мақсадлари билан ҳамоҳанг бўлганлиги бизни қувонтириши билан бир қаторда, зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Шу боис, маърузада белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда нафақат Ҳукумат, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, балки Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг марказий ва ҳудудий ташкилотлари ҳам фаол иштирок этишлари зарур. 2012 йилда партия ташкилотлари олдида ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва уни кучайтириш масаласи долзарб бўлиб турибди. Ўз навбатида партия иш режаларини изчил давом эттириш, қонунчилик ташаббусларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан сессиялар муҳокамасига долзарб масалаларни фаоллик билан киритиш, уларнинг қабул қилинишига эришиш ҳам муҳим **вазифалардандир. Айниқса,** ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурлари ва партия дастурлари ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни кучайтириш лозим. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун барча бўғиндаги партия ташкилотларининг фаоллигини ошириш талаб этилади.

— Давлатимиз раҳбари мазкур маърузасида табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишда ҳамон оқсаётганлигимизни, муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишлари ҳам ҳали талаб даражасида эмаслигини қайд этдилар, — деди фракция аъзоси Қ.Жўраев. — Шу ўринда Ўзбекистон «Адолат» СДП энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш орқали ушбу долзарб масаланинг ечимини топиш йўлида амалий саъй-ҳаракатлар олиб бораётганлиги аҳамиятлидир. Ушбу соҳанинг норматив ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш борасида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан ишлаб чиқилиб, тегишли ташкилотларга юборилган «Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини якунига етказиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш ҳам жорий йилдаги устувор вазифаларимиздан биридир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Аҳадов ушбу масала юзасидан ўз фикрини билдирар экан, давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида келтирилган натижалар ва жорий йилга мўлжалланган устувор йўналишлар ҳақида тўхталиб, 2012 йил мамлакатимиз тараққиётида том маънода янги босқич ва юксалиш даври бўлишини алоҳида қайд этиб ўтди.

Таъкидланганидек, мазкур маруза асосида марказий ва ҳудудий партия ташкилотлари тегишли хулосалар чиқариб, ўз фаолиятларининг галдаги устувор вазифаларини белгилаб олишлари зарур. Хусусан, давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия депутатлик бирлашмаларини сафарбар этган ҳолда ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, мамлакат ЯИМнинг асосий қисми бўлган ижтимоий харажатлар устидан партия ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, ушбу тизимда очиқлик ва ошкоралиқни таъминлаш, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларининг мавжуд технологияларини модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган қонун ижодкорлигини кучайтириш, шунингдек, таълим сифатини ошириш, салоҳиятли кадрларни тайёрлаш бўйича изчил ишларни олиб бориш зарур.

Йиғилишда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари партия кадрлари, депутатлик гуруҳлари, Аёллар ва «Ёш адолатчилар» қаноти фаоллари, БПТ котиблари учун 2012 йил давомида ўтказадиган сиёсий ўқишлар кун тартибига ушбу маърузани ўрганиш, таҳлил этиш ва ундан келиб чиқиб, партия ташкилотларининг вазифаларини белгилаш ва амалга оширишни киритишга оид қарор қабул қилинди.

Кун тартибидаги «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 2012 йилга мўлжалланган иш режаси тўғрисида»ги масала юзасидан Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати раҳбари Р.Ҳайдаровнинг ахбороти тингланди. Қайд этилганидек, Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» номли маърузалари мазмун-моҳиятига кўра партия учун дастуриламал ҳужжатлар ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларда белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросида фаол иштирок этиш партия ташкилотларидан яна бир бор ўз фаолиятларини танқидий жиҳатдан таҳлил этишни, юқори натижаларни қўлга киритиш йўлида тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлашни талаб этади. Шунга асосан Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида янада фаол иштирок этиши учун чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш зарур. Қизғин муҳокамалардан сўнг партиянинг 2012 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Шунингдек, қўшма йиғилишда партиянинг Аёллар ва «Ёш адолатчилар» қанотларининг 2011 йилдаги фаолияти ҳисоботи ва 2012 йилга мўлжалланган иш режалари атрофлича муҳокама қилинди.

— 2011 йил давомида марказий ва ҳудудий партия Аёллар қаноти томонидан 142 та тадбир ташкил этилган бўлиб, уларда 10 503 нафар киши иштирок этди, — деди партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзоси, Аёллар қаноти Кенгаши раиси З.Ботирова. — Тадбирларнинг асосий йўналиши хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини юксалтириш, оилани, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда фуқаролар, жумладан, аёллар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига қаратилди.

Ҳисобот даврида партия Аёллар қанотини фаоллаштириш, ташаббускорлигини ошириш, партия тузилмаларида хотин-қизлар иштирокини кучайтиришга оид қатор амалий ишлар қилинди. Жумладан, республиканинг 8 та ҳудудида «Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш — соғлом жамият негизи» мавзуида илмий-амалий конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда фаол иштирок этган партия электорати ҳамда мутасадди ташкилот ва идоралар вакилларидан тушган таклиф ва мулоҳазалар Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ҳамда бугунги кунда дастлабки хулоса олиш учун тегишли ташкилотларга юборилган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда инобатга олинди.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар Аёллар қаноти фаолиятини янада жонлантиришни, бунда партиянинг ҳудудлардаги Кенгашлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини оширишни, йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўришни тақозо этади.

Аёллар қанотининг 2012 йилга мўлжалланган иш режаси 16 банддан иборат бўлиб, «Мустаҳкам оила йили»га оид 21 мавзуда тадбирларни ташкил этиш, ҳудудий партия ташкилотлари Аёллар қаноти аъзолари учун сиёсий ўқишларни ўтказиш, ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга оид қатор тадбирлар белгиланган.

Йиғилишда партия «Ёш адолатчилар» қанотининг 2011 йилдаги фаолияти ва 2012 йилга мўлжалланган иш режаси муҳокама этилар экан, ўтган йили «Ёш адолатчилар» қанотининг марказий ва ҳудудий ташкилотлари томонидан 372 та тадбир ташкил этилганлиги ва уларда 39 минг нафарга яқин фаол ёшлар иштирок этганлиги алоҳида таъкидланди. Тадбирларнинг аксарияти ёшларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш, улар орасида партия мафкурасини кенг тарғиб қилиш, фаол ва ташаббускор ёшлардан партия кадрлар захирасини шакллантириш масалаларига қаратилди. 2012 йилда партиянинг «Ёш адолатчилар» қаноти ёшлар ўртасида инновацион фикрлашни шакллантириш, партия кадрлар захирасини фаол ёшлар ҳисобидан кенгайтириш, партия ёшларининг ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш, маҳаллий депутатлик корпуси билан алоқаларини кучайтириб, уларни жамоатчилик назоратига жалб этишни янада жонлантиришни мақсад қилган.

Партия матбуот хизмати ходимлари фаолиятини кучайтириш юзасидан ўтказиладиган тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш асосида партия Кенгашлари матбуот котиблари иштирокида сиёсий ўқиш ва танловларни ташкиллаштириш режаси муҳокама қилинди.

Маълумки, 2011 йилда партия матбуот котибларини рағбатлантириш, шу орқали улар фаолиятини жонлантиришга эришиш, матбуот котибларида ишга янгича муносабат ва ўзаро рақобат кўникмасини уйғотиш ва танловда ғолиб бўлган партия Кенгашларини касбий фаолиятларида зарур бўлган ахборот коммуникация воситалари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари матбуот котиблари ўртасида «Энг яхши матбуот котиби» танловини эълон қилган эди.

Ўтган йилги танловда иштирок этган матбуот котиблари партия газетаси ва сайтига материаллар тайёрлаб, ўз малакаларини оширдилар. Улар сафидан уч муносиб номзод «Энг яхши матбуот котиби» сифатида ғолиб деб топилди. Бу йилдан анъанавий тус олаётган мазкур танловда қўшимча номинациялар ҳам жорий этилди, матбуот котиблари фаолияти аниқ мезонлар асосида баҳоланади. Йиғилишда «Энг яхши матбуот котиби — 2012» танлови Низоми тасдиқланди. Газетамизнинг сўнгги саҳифасида мазкур Низом билан батафсил танишишингиз мумкин.

Партия Ижроия Қўмитаси ҳамда фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама этилган кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири.

БПТ фаолиятидан

Мамлакатимизда фаол демократик ислоҳотлар ва сиёсий модернизациялашув жараёнлари кечаётган айни даврда Ўзбекистон "Адолат" СДП рақобатдош сиёсий партия сифатида ўз дастурий ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш ва партиявий позициясини мустаҳкамлаш борасидаги амалий саъй-ҳаракатларини тобора жадаллаштирмоқда. Шу ўринда айтиш жойизки, партиянинг негизи бўлган БПТларнинг фаолият самарадорлигини, бугунги ҳолатини аниқлаш ва фаоллигини ошириш партия Кенгашлари олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади. Негаки, ҳар қандай сиёсий партия ўз дастурий ғоя ва мақсадларини қуйи ташкилотларисиз амалга ошира олмайди.

Қуйи ташкилотлар фаоллиги —

сиёсий партия юксалишининг кафолати

Бугунги кунда «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгашида 136 та БПТ фаолият кўрсатмоқда. Вилоят Кенгаши томонидан 2011 йил партия доирасида «Бошланғич партия ташкилотлари йили» деб аталгани муносабати билан «Йилнинг энг яхши бошланғич партия ташкилоти» кўрик-танлови эълон қилинган эди. Йил давомида ҳудуддаги қуйи бўғинлар фаолияти юзасидан олиб борилган мониторинг натижасида, ҳудуддаги маълум ютуқларга эришган партия ташкилотлари рағбатлантирилди ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Жумладан, Хозарасп туманидаги тиббиёт бирлашмаси қошида ташкил этилган БПТ кўрик-танлов ғолиби деб топилди ва вилоят Кенгаши томонидан муносиб рағбатлантирилди. Ўз таркибига 654 нафар партия аъзоларини бирлаштирган мазкур ташкилот ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудуддаги ижтимоий муаммолар ечимини топиш борасида илғор ташаббусларни илгари сурмоқда.

— Ўтказаётган тадбирларимиз шакли ва мазмунини ўзгартириш, янгидан-янги ташаббусларни ўртага ташлаш орқали фаолиятимиз самарадорлигини оширишга эришдик, — дейди мазкур БПТ раиси Фароғат Тиллаева. — Аввало ташкилотимиз аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга, уларнинг ташкилот олдидаги масъулиятини оширишга эътибор қаратдик. Натижада бадал тушуми ортибгина қолмай, хайрихоҳларимиз сафи кенгайди, туман миқёсида БПТмизнинг нуфузи ошишига эришдик. Туман кенгаши йиғилишларидаги мунтазам иштирокимиз ва маҳаллий Кенгаш депутатлари билан йўлга қўйилган фаол ҳамкорлик мақсадларимиз сари дадил қадам ташлашга йўл очиб берди.

Шунингдек, Янгиариқ тумани «Чиқирчи» қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги БПТ фаолиятини ҳам намунали баҳолаш мумкин. Ушбу ташкилот саъй-ҳаракати билан қишлоқ фуқароларининг мурожаатларига асосан «Янгиариқ — Чиқирчи» йўналишида йўловчи ташиш транспорти қатновини йўлга қўйиш мақсадида маҳаллий ҳокимлик ва мутасадди идораларга таклиф билан чиқилди. Ташаббус қўллаб-қувватланиши «Чиқирчи», «Остона» қишлоқ фуқароларининг манзилига муаммоларсиз етиб боришига қулайлик яратди.

— Аммо барча БПТлар фаолияти ҳақида ҳам илиқ фикр билдира олмаймиз, — дейди мониторинг ишчи гуруҳи раҳбари З.Юсупова. — Ўрганиш жараёнида Хива тумани партия кенгашининг айрим қуйи ташкилотлари иш фаолияти талаб даражасида эмаслиги аниқланди. БПТларнинг ҳар ойда камида бир мартадан йиғилиш ўтказишлари белгиланганлигига қарамай, ушбу вазифа тўла уддаланмаган. Ҳудудлардаги мавжуд камчиликлар юзасидан етарлича чора кўрилмаган. Бундан яққол кўриниб турибдики, туман кенгашлари раисларининг бошланғич ташкилотларга эътибори етарли бўлмаган.

Мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, фаолияти танқидий баҳоланган БПТ етакчиларида ташаббускорлик ва журъат етишмаётганлиги алоҳида таъкидланди. Уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимини юксалтириш, партиянинг сайловолди дастур ва вазифаларидан келиб чиқиб, ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини жадаллаштириш, бу борада эса тегишли кенгашлар ва депутатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти
Кенгаши матбуот хизмати.

Партиянинг ҳар бир ходими

аввало сиёсий жараёнлардан, ислоҳотлар тадрижийлигидан хабардор бўлиши, янгиланишлар мазмун-моҳиятини теран англаши даркор

Давоми. Бошн 1-бетда

Мазкур тарихий ҳужжатни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш, унда акс этган ғоялар ва вазифаларни барча юртдошларимизга, электоратга етказиш ҳар биримизнинг, айниқса, сиёсий партиялар фаолларининг муҳим ишига айланмоғи лозим.

Сиёсий ўқиш кун тартибидан ўрин олган яна бир муҳим масала — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзуидаги маърузасини ўрганиш бўлди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати З.Акрамхўжаева маърузани чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, бу жараёнда сиёсий партиянинг позицияси нуқтаи назаридан зарур чора-тадбирларни белгилаб, фаолиятни янада такомиллаштириш даркорлигига эътибор қаратди. Нотиқ, айниқса, давлатимиз раҳбарининг маърузасида юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий вазифаларига мувофиқлигини ва уни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

— Президентимиз ўз маърузасида мамлакатимиз истиқболига дахлдор, тараққиётимизнинг муҳим жабҳаларидан бири бўлиши кутилаётган соҳа — муқобил энергия ресурсларидан фойдаланиш масаласи ҳақида жонкуярлик билан билдирган фикрлари барчамиз учун дастуриламал бўлмоғи лозим, — деди у. — Боиси, ҳозирги кунда бутун дунёда қайта тикланмайдиган энергия захиралари камайиб бораётган бир шароитда муқобил энергия манбаларидан кенг кўламда, самарали фойдаланиш давр тақозосига айланган. Бошқа кўплаб хорижий мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам ушбу масалага муҳим ва долзарб вазифа сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ўз фаолиятида муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш масаласини муҳим вазифа деб билади. Зеро, партиямиз Сайловолди дастурида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари партиянинг доимий диққат марказидадир.

— Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузасини кенг ўрганиш асносида энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга янада катта эътибор қаратиш зарурлигини теран англаб етмоқдамиз, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Парида Парманова. — Чунки, мамлакатимиз иқлим шароитида қуёш, сув, шамол, биогаз сингари ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишнинг жуда катта имконияти мавжуд. Хусусан, юртимизда доимий шамол эсиб турадиган ҳудудлар, минтақалар кўп, йилнинг қарийб уч юз кунида қуёш нур сочиб туради. Бундай улкан табиий имконият ва салоҳият дунё миқёсида тобора оммалашиб бораётган юқори самарали муқобил энергия манбаларидан фойдаланишда бизга жуда қўл келади. Президентимизнинг мазкур маърузасидан келиб чиққан ҳолда, партиямиз томонидан илгари сурилаётган ғоялар — ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш асносида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга ҳам эътиборни янада кучайтириш зарур деб ўйлаймиз.

Тадбирда Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши аъзоси Акмал Самеджанов ҳам сўзга чиқиб, «Партия қуйи тузилмаларида режалаштириш ишларини олиб бориш тартиби» мавзуида маруза қилди. У бугунги кунда партия қуйи бўғинларида фаолият самарадорлигини ошириш, партия ғояларини аҳоли ўртасида янада кенг тарғиб-ташвиқ этиш, бу жараёнда, айниқса, туман кенгашлари раислари ва уларнинг фаоллари, бошланғич партия ташкилотлар етакчиларининг фаоллигини кучайтириш, сиёсий билимини бойитиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўзгаришлардан хабардорлигини ошириш масалалари хусусида сўз юритди. Нотиқ бунинг учун, аввало, партия тузилмаларида ишни пухта режа асосида ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этар экан, сиёсий ўқишлар, тадбирларни режалаштириш ишларини олиб бориш тартиби ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди.

Умуман олганда, сиёсий ўқишда партиянинг ҳар бир раҳбар кадри, фаоли аввало сиёсий жараёнлардан, ислоҳотлар тадрижийлигидан хабардор, янгиланишлар мазмун-моҳиятини теран англайдиган, узоқни кўра оладиган бўлмоғи давр талабига айланаётгани таъкидланди. Бундай тадбирлар партия тизимида меҳнат қилаётганларнинг сиёсий билимини бойитиши билан бир қаторда, фаолият самарадорлигини таъминлашга, энг муҳими, партия ғояларини аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқ этишда ҳар жиҳатдан асқотиши қайд этилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати.

Таълим ва тарбия уйғунлиги

миллий тараққиётга эришиш кафолати

Давоми. Боши 1-бетда



Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларида янги ёш давлатимиз олдида мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни, жамиятда тинчлик ва аҳилликни, миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш, мустақилликнинг узоқ йилларга мўлжалланган ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлини белгилаб олиш, истиқлолимизни ички ва ташқи хуружлардан асраб-авайлаш, янги жамиятнинг янги, юксак маънавиятли, мустақил фикрлашга қодир, айни чоғда, мамлакат, миллат тарихини яхши биладиган, улуғ аждодларимиз қолдирган илмий-маънавий меросдан баҳраманд ёшларни тарбиялаш вазифаси турар эди. Бу вазифага киришишни мутлақо кечиктириб бўлмасди. Чунки ўша йилларнинг ғоявий тарғиботда, айниқса, таълим-тарбия соҳасида юзага келган бўшлиқни эгаллаш учун кескин кураш бошланган, мамлакатимизга турли ниқобларда ёт, ғаразли оқимлар кириб келаётган эди.

Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлашнинг янги истиқболли тизимини яратишга асос бўлди. Бу тизимдан кўзланган асосий мақсад: биринчи навбатда, таълим соҳасини жиддий ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум мафкураси асоратларидан тамомила халос этиш, таълим тизимини ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ишини мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, маънавий янгиланишлар мақсади билан уйғунлаштириш, таълим-тарбия ишининг ижтимоий аҳамияти ва мавқеини кўтариш, бу жараёнга энг малакали, фидойи, танлаган касбига садоқатли инсонларни жалб этиш, уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш эди. Президентимизнинг «Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши керак», «бузиш йўлидан эмас, тузиш, барпо этиш, борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш йўлидан боришимиз зарур», деган кўрсатмалари, миллий тараққиётнинг «ўзбек модели» деб эътироф этилган тамойиллари бу борада муҳим дастуриламал бўлди.

Таълим тизими олдига қўйилган вазифанинг мураккаблиги шунда эдики, қисқа муддат ичида кадрлар тайёрлаш муассасаларини янги талабларга жавоб бера оладиган мураббийлар, янги ўқув қўлланмалари, дастурлар, техник жиҳозлар билан таъминлаш, тизимнинг мақсадини жамият эҳтиёжларига мослаш зарур эди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини босқичма-босқич амалга оширишда, энг аввало, узлуксиз таълим тизимининг янги, мустақил тури — ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини шакллантириш вазифаси турарди. Бу вазифани бажариш учун касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг моддий-техник базасини тамомила янгилаш, уларга талаб даражасида меъёрий-ҳуқуқий, услубий-методологик қўлланмаларни етказиб бериш, етук кадрлар билан таъминлаш, бунинг учун отаоналар, ҳомий ташкилотлар, васийлик кенгашлари, олимлар, мутахассисларнинг саъй-ҳаракатларини ўзаро бирлаштириш эҳтиёжи юзага келган эди.

Муҳим вазифалардан яна бири — кадрлар тайёрлашда жамиятнинг бугунги, яқин келгусидаги эҳтиёжларини аниқ ҳисобга олиш бўлиб, бу ҳам ишга ўта масъулият билан ёндашишни талаб этарди. Чунки, собиқ тузум шароитида сифат эмас, сон жиҳатидан қувиб иш тутилгани боис, олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласида кўп хатоликларга йўл қўйилганди. Давлатимиз раҳбари тизим олдидаги ушбу вазифани аниқ таърифлаб берди: «...бугун бизни ғоят муҳим, принципиал масала безовта қилмаслиги мумкин эмас. Яъни, ёш мутахассислар тайёрланаётган ихтисослик йўналишларининг барчасига ҳам иқтисодиётимизнинг соҳа ва тармоқларида талаб борми? Лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган йигит-қизларимиз жамиятда ўзига, ўз касбига муносиб ўрин топаяптими? Ана шу масалалар бўйича ҳақиқий аҳволни атрофлича ўрганишимиз, ҳозирги вақтда мутахассислар тайёрланаётган ҳар қайси ихтисослик йўналиши реал ҳаёт талабларига қай даражада жавоб бериши, унга нафақат бугунги, балки, яқин истиқболда қандай эҳтиёж борлигини ҳар томонлама чуқур аниқлашимиз лозим. Заруратга қараб, ихтисослик йўналишларига қатъий ўзгартиришлар киритиш, керак бўлса, айрим махсус касб-ҳунар таълими даргоҳларини қайта ихтисослаштиришимиз даркор».

Шу кўрсатма асосида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида — иқтисодий сиёсатни шакллантиришда, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш дастурини ҳаётга татбиқ этишда, ижтимоий соҳа, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган устувор йўналишларни белгилашда, энг аввало, инсон ва унинг манфаатлари ҳал қилувчи аҳамиятга молик мақсад қилиб белгиланди. Чунончи, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган миллий истиқлол ғоясида истиқлол мафурасини ёшлар онги ва қалбига сингдириш таълим-тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилиши кўзда тутилди, таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мафурасини ўрганишнинг дифференциал педагогик-психологик дастурини яратиш зарурлиги белгилаб қўйилди. Фан ва илмий муассасалар олдига миллий истиқлол мафкурасининг миллий, умуминсоний, фалсафий, диний, ҳуқуқий, сиёсий, социологик, иқтисодий-маънавий-психологик асосларини, урф-одатлар, анъаналар ва интеллектуал қадриятларнинг янги авлод дунёқарашини шакллантириш ва бойитишдаги ўрни ва таъсирига бағишланган тадқиқот ишларини мунтазам олиб бориш вазифаси юкланди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишнинг асосий вазифаларини босқичма-босқич амалга оширишда эришилаётган дастлабки натижалар, янгидан тўпланаётган тажрибалар диққат марказида бўлди. Биринчи босқичда (1997-2001 йиллар) педагог ва илмий кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, янги ўқув давлат стандартларини яратиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими моддий-техника базасини вужудга келтириш бирламчи вазифа бўлган бўлса, иккинчи босқичда (2001-2005 йиллар) мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига, шунингдек, ўқувчиларнинг қобилияти, қизиқиши ва ўзлаштириш имкониятига қараб табақалаштирилган таълимга ўтиш амалга оширилди. Кейинги босқичда кадрлар тайёрлаш тизимини мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига, Президент Ислом Каримовнинг нутқ ва маърузаларида қўйилган янги вазифаларга мос равишда такомиллаштириш давом этди.

Ўтган йиллар давомида эришилган ютуқларга оид кўп маълумотларни, факт ва рақамларни келтириш мумкин. Энг муҳим натижа — мамлакатимизда миллий истиқлол мафкурасига асосланган тамомила янги таълим тизими юзага келди ва у дунёда расман эътироф этилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида 12 йиллик мажбурий таълимга, жумладан, 9 йиллик мактаб таълими ва ундан кейинги 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига босқичма-босқич ўтиш муваффақиятли амалга оширилди. Таълимнинг ҳамма босқичларида ўқув дастурлари янгидан яратилди ва улар замонавий халқаро талабларга тўла мос келади. Олий ўқув юртларида янгидан жорий этилган бакалавр йўналиши ва магистратура йўналишига янги давлат стандартлари жорий этилди. Энг муҳими, ўқув юртлари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Бугун биз замонавий талаблар асосида жиҳозланган, барча шарт-шароитларга эга ўқув бинолари билан ҳақли равишда фахрлана оламиз. Мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган фарзандларимизнинг ўқишда, илмий ижодкорликда, маданият, санъат ва спорт соҳаларида эришаётган ютуқлари қалбларимизни фахр-ифтихор туйғулари билан тўлдиради. Улар замонавий технологияларни, компьютерда лойиҳалаштириш ва бошқариш илмини, бир неча тилларни мукаммал эгаллаган ёшлардир. Бу ютуқлар муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида истиқлолимизнинг дастлабки йилларида таълим-тарбия соҳасида танлаган йўлимизнинг нақадар тўғри эканлигини яққол исботлаб турибди.

Худоёр МАМАТОВ,
Ўзбекистон «Adolat» СДП фракцияси аъзоси.

Энг муҳим натижа — мамлакатимизда миллий истиқлол мафкурасига асосланган тамомила янги таълим тизими юзага келди ва у дунёда расман эътироф этилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида 12 йиллик мажбурий таълимга, жумладан, 9 йиллик мактаб таълими ва ундан кейинги 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига босқичма-босқич ўтиш муваффақиятли амалга оширилди. Таълимнинг ҳамма босқичларида ўқув дастурлари янгидан яратилди ва улар замонавий халқаро талабларга тўла мос келади.

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзликни англашда бебаҳо манба

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўқиб-ўрганиш давом этмоқда

Қатъият ва матонат билан ҳаракат қилмоқ, айни чоғда вазиятни чуқур таҳлил қилиб, энг тўғри ва ишончли хулосага келиш шарт эди. Шундай кескин вазиятда Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги қирралари: дунёқарашининг кенглиги, донолиги, қатъияти, мустаҳкам иродаси, жасорати, энг асосийси — халқпарварлиги намоён бўлиб, бу фазилатлари билан собиқ иттифоқнинг итоаткор «қўғирчоғи»га айланган аввалги раҳбарлардан кескин фарқ қилиши яққол кўзга ташланиб турарди. Кўп ўтмай доимо халқ орасида бўлиб, каттаю кичик, эркагу аёлларнинг орзу-армонларига бефарқ бўлмай, сўз ва иш бирлигига жиддий масъулият билан қараши боис уларнинг самимий меҳр-муҳаббатларини қозониб бораётган давлат раҳбарига нисбатан одамлардаги умид учқунлари қатъий ишончга айлана борди. Мамлакатдаги хунрезликлар, ижтимоий-иқтисодий инқироз туфайли карахт ҳолга тушиб қолган одамларнинг беқарор вазиятга қараб тез-тез ўзгариб турувчи кайфият ва хатти-ҳаракатларини синчковлик билан кузатиб бораётган дунёдаги кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчилар, бизга дўст ёки қарши бўлганлар Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда барқарор тинчлик ва осойишталик ўрнатиш борасида олиб бораётган ҳар томонлама оқилона, адолатли саъй-ҳаракатларини ижобий баҳолаб, эътироф эта бошладилар.

Дарҳақиқат, улкан жасорат, тинимсиз меҳнат, изланиш, ўрганиш ва бедор тунлар самараси сифатида мамлакатда аста-секин тинчлик ва осойишталик қарор топа бошлади. Даҳшатли фожиаларга айланиши мумкин бўлган учқунларнинг аланга олиб кетмаслигига эришилди.

Аммо халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида собиқ иттифоқнинг калтабин сиёсати натижасида йиллар давомида ўз ечимини топмай йиғилиб қолган муаммолар ҳам талайгина эди. Жумладан, Ўзбекистон барча асосий иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлар бўйича собиқ иттифоқда энг охирги ўринларда турарди.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий инқироз туфайли боши берк кўчага кириб қолган марказ бошқаруви бутунлай издан чиқиб, мутлақо заифлашиб, пароканда ва карахт бир ҳолатга тушиб қолганди. Унинг нураб бораётган мамлакатни идора қилишга умуман лаёқати ҳам, имконияти ҳам, қурби ҳам йўқ эди.

ЎзССР Министрлар Советининг 1989 йил 24 июндаги йиғилишида нутқ сўзлаган Ислом Каримов мамлакатда вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият ва унинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, аччиқ ва ҳаққоний бир хулосага келади: «Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди». Бу Ўзбекистонда президентлик бошқаруви жорий этилиб, куни кеча ватанимиз тарихида биринчи Президент сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг янги лавозимга қандай улуғ мақсад ва масъулият билан киришаётганининг ифодаси эди. «Одамлар, — деган эди ўшанда Юртбошимиз, — асло кечиктириб бўлмайдиган муаммолар — озиқ-овқат, транспорт, савдо, соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши, меҳнат режими ва унга ҳақ тўлаш, дам олиш шароитлари каби муаммоларнинг ҳал этилишини кутмоқдалар».

Дарҳақиқат, ҳар томонлама тубсиз жар ёқасига бориб қолган мамлакатни, умидсизлик гирдобига ботаётган, сабр косаси лиммолим тўлган мазлум халқни бу балою офатлардан қандай халос этиш мумкин?

Шу ва шу каби бевосита ҳаёт-мамотимизни ҳал қилувчи муаммолар кўндаланг бўлиб турган қалтис вазиятда босиқлик билан, оқилона, чуқур мулоҳаза юритган Юртбошимиз қатъий равишда энг тўғри қарорга келиб, шундай дейди: «Халқимизга шу нарса аниқки, ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришишнинг ягона йўли бор. У ҳам бўлса республиканинг мустақиллигига эришишдир». Бунинг учун шундай ҳам иттифоқда биринчи бўлиб президентлик бошқарувини жорий қилинганлиги учун хасад ва алам ўтида ёнаётган марказдагилар ҳамда бошқа айрим шум ниятли душманларнинг ҳар қандай найранг ва қабиҳликларига қарши муросасиз кураш олиб бориш, энг асосийси, қурбонларсиз, қон тўкмасдан мустақилликка эришиш чораларини топиш лозим эди.

Ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Баёноти эълон қилинди.

Мустақиллик солномасининг энг залворли даврларидан бирига айланган 1989-1992 йилларда шахсан Ислом Каримов раҳнамолигида ўта муҳим тарихий-сиёсий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистонда президентлик бошқаруви ташкил этилди. Мамлакатда барқарор тинчликка эришилди, қонун устуворлиги таъминланди, миллий армияга асос солинди, ўзбек тилига «Давлат тили» мақоми берилди, Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди, миллий қадриятлар ва анъаналар қайта тикланди, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида модернизациялаш жараёнлари жадаллаштирилиб, кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилди. Ўзбекистон ўз давлат рамзлари — байроғи, герби, мадҳиясига ҳамда миллий валютасига эга бўлди. Миллий қадриятлар, тарихий давлатчиликка асосланган анъаналар, жаҳон тажрибаси ва демократия тамойилларига тўлиқ жавоб берувчи ўз Конституциясини қабул қилди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида тан олиниб, дунё сиёсий харитасида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Бу мамлакатда кенг қамровда олиб борилган улкан бунёдкорлик ишларининг бир қисми эди, холос. Аммо уларнинг амалга оширилишида қанчадан-қанча заҳмат, тазйиқ, йўқотишлар, муросасиз курашлар бўлганлигини ҳар ким ҳам тўлиқ тушуниб, идрок эта олмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Мустақиллликнинг 20 йиллиги арафасида чоп этилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли китоби бу борада жуда катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий манба сифатида юзага келди. Ота-боболаримизнинг асрий орзулари бўлган, ҳозирда мамлакатимизда ягона ва аҳил оила сифатида камол топаётган турли миллат вакиллари — Ўзбекистон аҳли учун бирдай қадрли саналмиш энг улуғ, энг азиз, энг муқаддас бўлган мустақилликка эришиш йўлидаги илк қадамлар, муаммо ва курашларнинг таҳлилий тарихи китобнинг асосий мавзуси моҳиятини ташкил этади.

Мустақиллик солномасининг энг залворли даврларидан бирига айланган 1989-1992 йилларда шахсан Ислом Каримов раҳнамолигида ўта муҳим тарихий-сиёсий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистонда президентлик бошқаруви ташкил этилди. Мамлакатда барқарор тинчликка эришилди, қонун устуворлиги таъминланди, миллий армияга асос солинди, ўзбек тилига "Давлат тили" мақоми берилди, Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди, миллий қадриятлар ва анъаналар қайта тикланди, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида модернизациялаш жараёнлари жадаллаштирилиб, кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилди.

Мазкур китоб Юртбошимизнинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш арафасидаги олиб борган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирувчи, айни ўша мураккаб таҳликали тарихий даврда сўзлаган маъруза, нутқ, суҳбат ҳамда мақола ва интервьюларидан иборат. Китоб сўзбошисида таъкидланганидек, «Ҳеч муболағасиз, бу тўпламдан жой олган ҳар бир чиқишни муҳим сиёсий воқеа, юртимизни миллий истиқлолга олиб келган машаққатли ва шарафли кураш тарихининг ўчмас саҳифаси, деб аташ мумкин».

Хулоса қилиб айтганда, бевосита Президент Ислом Каримов раҳнамолигида яратилиб, амалга оширилаётган ҳамда халқаро миқёсда тан олиниб, эътироф этилаётган ривожланишнинг «ўзбек модели» — ўзига хос тараққиёт йўлимизнинг ҳар томонлама ишончли ва нақадар тўғри эканлиги вақт ўтган сайин ўз исботини топиб боряпти. Бугун халқимиз, шу жумладан, ёшларимиз тарихнинг ана шу залворли саҳифаларидан теран хабардор бўлиши нечоғли зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, бу кишилар қалбида Мустақиллик, она Ватан, осойишталикнинг қадрига етиш, уларни ҳар қандай ёмон кўзлардан асраб-авайлаш, эл тинчлиги, юрт ободлиги учун ўзини масъул деб билиш туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Бу борада муҳтарам Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли мазкур китоби муҳим аҳамиятга эгалиги шубҳасиз.

Шу маънода, китобни чуқур ўрганиш — бу ўзлигимизни англаш, сиёсий онгимизни ошириш ҳамда дунёқарашимизни кенгайтириш учун бебаҳо сиёсий-маънавий озуқа манбаи бўлиб хизмат қилади.

Туроб ИРИСБОЕВ,
Ўзбекистон «Adolat» СДП Тошкент вилояти Кенгаши раиси ўринбосари.

Ислоҳот

Тараққиётимизнинг янги босқичи

Давоми. Боши 1-бетда

Юртимизда юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига, авваломбор, самарали макроиқтисодий сиёсат, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялаш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали эришилмоқда. Бу, табиийки, мамлакатимизда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳаётга изчил татбиқ қилинаётганининг самарасидир. Энг муҳими, Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш айрим давлатларда кузатилаётганидек, дунё бозорларида углеводород хомашёлари нархининг кўтарилиши ва ушбу маҳсулотлар экспортини ошириш ҳисобига эмас, балки юқори иқтисодий ўсиш суръатлари қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тармоқлар ва замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш эвазига таъминланмоқда.

Маърузада таъкидланганидек, **«биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз».** Демак, асосий мақсадимиз — рақобатдош иқтисодиётни шакллантириб, рақобатдош мамлакат барпо этишдир.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дастурида қайд этилган вазифалар ушбу улуғвор мақсадга уйғун ва ҳамоҳанг. Шундай экан, биз ҳам Ўзбекистонда, том маънода, рақобатдош иқтисодиётни шакллантириб, рақобатдош мамлакат барпо этишдек юксак ва улуғвор ишлар жараёнларида фаол, бардавом иштирок этишимиз лозим.

Масалан, маърузада қайд этилган «Муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишлари талаб даражасида эмас. Умуман, ушбу соҳада зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб муаммолар тўпланиб қолган...» деган сатрларидан келиб чиққан ҳолда энергия тежамкорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини олайлик. Бу борада партиянинг сайловолди дастуридан бир қатор аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб олинган бўлиб, ана шу мақсад ва вазифалар ижроси йўлида сўнгги йиллар давомида партия бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Чунончи, 2011 йил 27 декабрда «Адолат» СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан энергетика соҳасида йирик олим ва мутахассислар иштирокида ташкил этилган «Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбалари(ҚТЭМ)дан фойдаланишнинг концептуал йўналишлари» мавзуидаги давра суҳбатида соҳани янада ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсияларнинг ижроя ҳокимияти томонидан қабул қилинганлигини эса бу йўналишда қўйилган яна бир муҳим қадам сифатида баҳолаш мумкин.

Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарининг жамиятимизда ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш юзасидан билдирган фикрлари ҳам Ўзбекистон «Адолат» СДП учун ғоятда масъулияттталаб вазифаларни белгилаб олишни тақозо этади.

Мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратилмоқда.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Айтиш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффициент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол корзинкаси қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташкил этди ёки 15 баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди.

Давлатимиз раҳбари маърузасида кўтарилган яна бир муҳим масала, бу аҳоли бандлигини таъминлаш масаласидир. Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Олий Мажлис вакилларига алоҳида мурожаат қилиб, парламент томонидан қабул қилинган давлат дастурларини, хусусан, 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг жойлардаги ижросини алоҳида назорат остига олишни сўрадилар. Бу ни таъминлашимиз лозим.

Қодир ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

Рақамлар ортида заҳмат, матонат...

Мулоҳаза

Файласуфлардан бири инсон ўтган кунига қарайди, эришилган натижалардан тегишли хулосалар чиқаради, шундан кейингина келажак сари қадам қўяди, деган экан. Демак, эртанги кун сари ташланажак қадамнинг қанчалар залворли, ишончли бўлиши кўп жиҳатдан кечаги куннинг якунларига ҳам бевосита, ҳам билвосита боғлиқ.

Юртбошимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини тингларканман, кўнглимдан беихтиёр шу ўйлар кечди.

Биз, муҳтарам Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган 2012 йилда яшамоқдамиз. Зеро, тарихга айланиб улгурган 2011 йилнинг асосий якунлари мана шундай ишонч ва эътироф учун асос, пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Куни кеча дунё оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарларга қараганда, Жаҳон банкидек нуфузли муассаса экспертлари 2011 йилда дунёнинг кўплаб ривожланган, тараққий этган мамлакатлари кутилган ўсишга эриша олмаганлигини эътироф этишган. Ҳар қалай, 2008 йили рўй берган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Мазкур ташкилотнинг 2012 йилга мўлжалланган тахмин-прогнозлари эса кишини сергак торттиради: мисол учун, 2012 йилда АҚШда иқтисодий ўсиш суръати бор-йўғи 2,2 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда. Кунчиқар мамлакатида эса бу кўрсаткич 2 фоизга ҳам етмайдиганга ўхшаб турибди. Ҳаттоки дунёнинг жадал ривожланаётган мамлакатларида иқтисодий ўсиш 5,4 фоиздан ошмаслиги кутилмоқда экан.

Шундай бир шароитда ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,3 фоизни ташкил этганлигининг ўзиёқ юртимиз иқтисодиётида ҳавас қилса арзирли натижага эришилганини кўрсатмаяптими? Айни пайтда бу кўрсаткич халқаро экспертлар ўз башоратларида адашмаганликларини ҳам яққол исботлаб турибди. Яъни Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида, жумладан, шундай дейилганди: «Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир... Миссия 2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз кўпайишини кутмоқда ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари юқори сақланиб қолишини башорат қилмоқда».

Албатта, биз дунёнинг барча давлатлари молиявий инқироз асоратларидан тезликда қутулиб, иқтисодий жиҳатдан жадал тараққий этишларини, гуллаб-яшнашларини истаймиз. Зеро, мамлакатларнинг иқтисодий барқарорликка эришиши ўз навбатида уларда истиқомат қиладиган аҳолининг фаровон турмушини таъминлайди, бу эса алал-оқибат бутун бани башарнинг осуда ҳаёт кечиришига олиб келади. Аммо бугунги воқелик мазкур орзуга етишиш учун ҳар бир халқ, миллат астойдил, ишнинг кўзини билиб, фидойиларча меҳнат қилишини талаб этмоқда. Бундай саъй-ҳаракатларнинг самаралари эса рақамларда ўзининг ҳақконий ифодасини топади.

Президентимизнинг маърузасида жуда кўп залворли рақамлар тилга олинди. Энг асосийси эса, 2011 йилнинг якунлари билан ҳақли равишда фахрланишимиз учун барча асослар бор.

Ахир, ўзингиз тасаввур этиб кўринг: ўтган йил мобайнида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилга нисбатан 11,2 фоизга ўсди; экспорт маҳсулотлари ҳажми 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди; давлат бюджети ҳаражатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди; мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди; 2011 йилда солиқ юки, 1991 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушди; иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион АҚШ доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди...

Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Шубҳасиз, бу рақамлар 2011 йилда барча соҳаларда эришилган ютуқларнинг кўзгуси бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда яна бир оддий ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим: ҳар қандай мақтанишга, фахрланишга арзигулик рақам, кўрсаткич ортида мустақил Ватанимизда Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, оғир, серзаҳмат, машаққатли изланишлар, элим деб, юртим деб ёниб-куйиб, матонат билан меҳнат қилишнг самараси, натижаси ётибди. Бу жараёнда сиз билан менинг ҳам, демакки ҳар биримизнинг камтарин ҳиссамиз борлиги эса барчамизнинг кўнглимизга фахр ва ғурур туйғуларини олиб кириши шубҳасиз.

Яна бир бор таъкидлаб ўтиш жоиз, жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган «Адолат» социал-демократик партиямиз учун ҳам 2011 йил кўп томонлама муваффақиятли ва самарали кечди. Энг аввало, аҳоли орасида партиямизга хайрихоҳлар сони ошди, бу эса сафимиз янада кенгайишига олиб келди. «Адолат» ғояларини халқ орасида тарғиб этишда ҳам ижобий натижаларга эришилди. Ватандошларимиз билан учрашувлар, жонли мулоқотлар кўпайди, уюштирилган кўплаб тадбирларимизда иштирок этувчилар сони ортди. Партиямиз "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" муносабати билан ишлаб чиққан қатор чора-тадбирлар амалиётга жорий этилди, мазкур соҳа вакилларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги фаолиятимиз ҳам биз кўзлаган натижаларни берди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида белгилаб олинган чора-тадбирлар, мақсад-вазифалар ҳам амалиётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ишончимиз комилки, 2011 йилнинг залворли натижаларидан руҳланган ҳолда, Мустаҳкам оила йили бўлган 2012 йилда ҳам «Адолат» социал-демократик партияси юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этади, халқимизнинг турмуши янада фаровон, дастурхони тўкин, оилалар мустаҳкам бўлишида, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда, маънавий жиплашган жамиятни шакллантириш жараёнларида ўз ролини янада кучайтиради.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

Партия кўмаги

Ижтимоий кўмак

Кўппартиявийлик тизими тобора мустаҳкамланиб бораётган мамлакатимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ва таъсири кучайиб бормоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДП мустақил Республикамиз ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, шунингдек, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, маънавият ва маърифат қарор топган фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ўз ролини тобора ошириб бормоқда.

Партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши ҳам жойларда аҳолининг қонуний манфаатларини ҳимоялашга, жамиятда ижтимоий адолат тамойилининг устуворлигини таъминлашга ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини қаноатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Буни ташкилотга келаётган миннатдорчилик мактублари мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Мен Тошкент молия институтининг 2-босқичида аъло баҳоларга ўқияпман, — деб бошлаган ўз ташаккурномасини Тошкент вилояти Оҳангарон тумани «Шодлик» маҳалласида яшовчи Диана Черчесова.

— Жорий ўқув йили учун шартнома тўловини тўлашнинг иложини қилолмай, «Адолат» СДП Оҳангарон тумани кенгашига мурожаат қилган эдим. Партия фаоллари кўмаги билан ҳомий ташкилотлар тўловни амалга ошириб беришди. Уларнинг ушбу ғамхўрлигига жавобан биз ёшларга билдирилаётган ишончни оқлашга, янада аъло ўқишга, қўлимдан келган пайтда ёрдамга муҳтож инсонларга, албатта, мен ҳам ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қиламан. Менга кўмакдош бўлган «Адолат» СДП вилоят ва туман Кенгашлари мутасаддиларига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Албатта, партия мутасаддиларининг фуқаролар қонуний манфаатларини таъминлашга, уларнинг мурожаатларини ижобий ҳал этишга қаратилган фаолияти аҳолининг «Адолат» ғояларига бўлган ишончининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгашининг бошқа туман ва шаҳар кенгашларида ҳам бу каби масалаларга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Жамоатчилик назорати:

Партия кенгашлари ва матбуот ҳамкорлиги

Долзарб мавзу

Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши ўз фаолиятига танқидий ёндашиб, партиявий ишларни такомиллаштиришга, вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаолроқ иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Партия кенгашининг долзарб масалаларга ечим топишда вилоятдаги давлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатишга интилаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Яқинда вилоят матбуот уйида партия кенгашининг вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказган учрашуви ҳам кун тартибидаги муҳим масалага — демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйиш, унинг самарадорлигини ошириш имкониятларига қаратилди.

Вилоят партия Кенгаши раиси Маҳмуд Бобоёров дастлаб анжуманга таклиф этилган журналистларга партиянинг шу йўналишда вилоятдаги ННТлар билан ҳамкорлиги натижалари ҳақида ахборот берди.

Таъкидландики, партия жамоатчилик назорати имкониятларидан фойдаланиш баробарида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларга янада чуқурроқ кириб

бормоқда. Ўз депутатлик гуруҳларини фаол жалб этган ҳолда ҳокимият ва бошқарув идоралари фаолиятида очиқ-ошкораликни таъминлашга интилмоқда. Коммунал соҳада мижозларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш, иш берувчилар билан ишловчилар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш борасида Самарқанд шаҳрида ўтказилган қатор жамоатчилик назоратлари бунинг исботидир.

Маърузачининг таъкидлашича, жамоатчилик назоратини амалга оширишда меҳнат жамоаларида бошланғич партия ташкилотларини тузиш ва улар фаолиятини долзарб масалаларга йўналтириш кутилган натижаларни бермоқда. Чунки жамоатчилик назорати, энг аввало, қўйида амал қилган тақдирда бошқарув идоралари фаолиятида ҳисобдорликни таъминлаш, маъмурият доирасида қабул қилинаётган қарорларнинг жамоа манфаатларига мос келишига эришиш мумкин. Шу мақсадда кейинги пайтларда вилоятдаги йирик саноат корхоналарида етмишдан ортиқ янги БПТлар тузилганлиги ва улар ҳудудий партия кенгашлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги эътиборга лойиқдир.

Лекин жамоатчилик назоратини амалга оширишда партиявий ваколатлардан келиб чиқиладиган бўлса қилинган ишлар ҳали етарли эмас. Партиянинг Ургут, Самарқанд ва Булунғур туманлари ва Самарқанд шаҳар кенгашлари раислари — Раббим Эсонов, Зуҳра Қуддусова, Наҳмиддин Боймуродов, Тўрахон Ҳошимов шу хусусда тўхталиб, жамоатчилик назорати таъсирчанлигини янада ошириш ва бу борада матбуот билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Чиндан ҳам бугун вилоятда олтмишга яқин вақтли матбуот нашрлари, иккита телевидение мунтазам фаолият юритмоқда. Улар билан ижтимоий шериклик асосида иш юритиш партия Кенгашига ўз мақсад-вазифаларини тўлароқ амалга ошириш имконини бериши шубҳасиздир.

Анжуманда иштирок этган Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институтнинг Самарқанд бўлинмаси бош мутахассиси Фарҳод Набиев жамоатчилик назорати таъсирчанлигини оширишда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Ўз навбатида журналистлар партия фаолларига муҳокама доирасида кўплаб саволлар билан мурожаат қилдилар. Учрашувда «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши вилоятда асосий ОАВ ҳисобланган «Зарафшон», «Самаркандский вестник» ва «Овози Самарқанд» сингари газеталар таҳририятлари билан доимий ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олдилар.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

«Шоҳ асар» эъзози

Кейинги пайтларда эшитганимизча йўғ-у, лекин илгари мумтоз қўшиқлардан бири: «Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал...» деб бошланарди. Нақадар эзгу сатр, эзгу тилак! Тўғри-да, кишининг уйда, оилада тинчи бўлсагина ишида, юмушида унум ҳам, қўним ҳам бўлади. Йўқ-са...

Оила тинчлигини жамият тинчлигисиз тасаввур этиб бўладими?! «**...Азал-азалдан,** — деди Президентимиз мамлакатимиз Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги янги — 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном беришни таклиф этар экан, — **халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно — моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор**»дир.

2012 йил Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши жуда катта ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маърифий аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари ўз маърузасида оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, 2012 йилда ҳар бир оиланинг фаровонлигини яхшилаш, омманинг миллий ва сиёсий онгини янада юксалтириш билан боғлиқ ишлар юзасидан аниқ Давлат дастурини ишлаб чиқиш вазифасини давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари олдига муҳим вазифа қилиб қўйди.

«**Бу ҳақда гапирганда,** — уқтириб ўтди яна Юртбошимиз, — **аввало мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак**».

Шу кунларда мазкур йўналишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга жорий этиш бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш жараёнлари адоғига етай деб қолди. 19 январь куни 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида айтиб ўтилганидек, ҳадемай қабул қилиниши кутилаётган дастурни амалга ошириш учун 2012 йил давомида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан қарийб 4 триллион 400 миллиард сўм ва 370 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда. Бу маблағнинг салмоқли қисми — яъни, 60 фоизга яқини давлат маблағлари ҳисобидан бўлишини тасаввур қилинг! 25 фоизи тижорат банклари кредитлари, салкам 15 фоизи масъул ижрочиларнинг ўз маблағлари ва 360 миллион АҚШ долларидан ортиғи халқаро институтлар ҳамда донор мамлакатлари маблағлари улуши бўлишининг ўзиёқ Мустаҳкам оила йили моҳиятининг том маънода юксаклигини намоён этмоқда. Давлатимиз раҳбари таърифи билан айтганда, «**...бундай кенг кўламда ажратилаётган маблағлар аввало шу саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси оилага кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик, кўмак ва ёрдам белгиси ва тимсоли**»дир.

Шубҳасиз, бу эътибор, бу ғамхўрлик, кўмак ва ёрдам давлат идоралари раҳбарлари, кенг жамоатчиликнинг турли ижтимоий тузилмалари амалий саъй-ҳаракатлари, ташаббуси ҳамда жонкуярлигига боғлиқ. Юртбошимиз ташаббуси билан тарихга кираётган «Мустаҳкам оила» ғоясининг амалий ифодасини биринчи галда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси деб ном қозонган маҳалла тизимида янада ойдинроқ, ёрқинроқ кўришни жуда-жуда истардик. Айниқса, хоҳ шаҳарда бўлсин, хоҳ қишлоқда — ёш оилаларга ҳар томонлама кўмак бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, борини ошириб, йўғини яшириб, модтоғдек кўтарилади. Нафақат аёлнинг, ўша хонадон эркагининг ҳам қалби ёруғ тортади. «Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал...» деган қўшиқ силсиласидан жой олган яхши ниятлардан бири ҳам аслида шу эзгулик тилагидир!

Президентимиз Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, «**бугунги кунда юртимизда ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапириш мумкин. Шу билан бирга, холисона тан олишимиз даркор — ана шундай саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, қаерда бўлмасин, марказда, шаҳар ёки қишлоқ жойларда бўладими, эзгу мақсадларимизнинг ҳар томонлама тасдиғини кўриш учун ҳали жуда кўп ишларни амалга оширишимиз керак**», албатта.

Шу нуқтаи назардан, оилалар мустаҳкамлиги, тинч-омонлиги, фаровонлиги мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча сиёсий партиялар дастуридан ҳам муҳим ўрин олганлигини алоҳида айтиб ўтмоқ ўринли. Масалан, «Адолат» СДП сайловолди дастурида қайд этилган мана бу таъкидларга эътибор беринг:

«Партия давлатимиз томонидан аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Биз ушбу сиёсатни иқтисодий ўсишнинг тўловга лаёқатлилик талабини ошириш, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оиласини муносиб ҳаёт кечириши учун етарли бўлган серунум ва самарали меҳнатни рағбатлантиришга қаратилган асосий саъй-ҳаракатлардан бири сифатида қабул қиламиз»;

«Партия хотин-қизларга таалуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш тарафдори».

Мухтасаргина айтсак, таниқли файласуф Жорж Сантаяна «Оила табиатнинг шоҳ асаридан бири» деганди. Шундай экан, нафақат Мустаҳкам оила йилида, балки ҳамиша, ҳар доим бу «Шоҳ асар» эъзози, эътирофи барча муассасаларнинг амалий ҳамкорлигига, ва вазифасига ҳамда мартабасидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг жонкуярлигига ҳам жуда-жуда муносибдир.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

Т.ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Замира Санақулова — гимнастика бўйича мамлакатимиз ҳамда халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган ёш спортчилардан. У Бухоро шаҳридаги 5-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби «Нафис» бадиий гимнастика саройида 9 ёшидан буён шуғулланади. Бадиий гимнастика бўйича 5 карра Ўзбекистон чемпиони унвонини, 2010 йил Хитойда ўтган Осиё ўйинларида иккинчи ўринни, 2011 йил Россия ва Францияда ўтган халқаро турнирларда олтин медалларни қўлга киритган.

Бунинг боиси — Замира спортсеварлар оиласида камол топаётир. Отаси, Бахтиёр Санақулов Бухоро вилояти ғазначилик бошқармасида бош мутахассис, стол теннисини яхши кўради. Бухоро шаҳридаги 14-умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берадиган онаси Дилшода Абдуллаеванинг бадминтонга меҳри баланд. Замиранинг укаси Буюкбек ҳарбийлик касбини танлаган — шаҳардаги 19-ихтисослашган умумтаълим мактаби қошидаги ҳарбий-спорт гуруҳи тарбияланувчиси.

Суратда: *бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони Замира Санақулова оиласи даврасида.*

Давоми. Бошн 1-бетда

Нуронийлар —

ислоҳотларнинг фаол иштирокчилари

Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам бугунги кунда фахрийларимизнинг жамиятда рўй берайтган ислоҳотларга муносабатини ҳис қилиш мумкин.

Жамғарманинг Раёсат ва Кенгаш аъзолари, фаоллари 2011 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритишди, 2012 йил вазифалари хусусида фикр билдиришди. Жамғарма Марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоев глобал маънавий-иқтисодий инқироз даврида Ўзбекистонда эришилган ижобий натижалар ҳақида гапириб, ўсиш рақамлари ортида бутун халқимизнинг фидокорона ва қизғин меҳнати мужассам эканлигини алоҳида ғурур билан таъкидлади.

Ҳисобот йилида жамғарманинг асосий эътибори Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузаларида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга, фахрийларни, айниқса, якка ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш орқали уларга берилаётган моддий, тиббий ва маънавий ёрдамларнинг самарасини кўтаришга қаратилди. Нуронийлар Концепцияда баён этилган ташаббусларни астойдил қўллаб-қувватлашди.

Юртбошимизнинг 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш бўйича Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ва уларнинг жойлардаги бошқармалари ҳамкорлигида якка-ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларининг 485 минг нафари тиббий кўрикдан ўтказилиб, шифохоналарда даволанди. 30 минг нафар нуроний Уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларда соғломлаштирилди. 1400 нафар ёлғиз кексанинг протез-ортопедик маҳсулотлар, ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари, тиш протези, ҳасса, қўлтиқтаёқ ва оптика кўзойнаклар билан таъминланишига, 2300 нафар ёлғиз инсоннинг уй-жойларини таъмирлаб берилишига кўмаклашилди.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 22 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонига асосан 8331 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронлари бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилди ва ушбу мақсадлар учун бюджет маблағлари ҳисобидан жами 2 миллиард 499 миллион сўм сарфланди.

Жойларда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уруш орти меҳнат фахрийларига байрам дастурхонлари ташкил этилди. 2011 йилда нишонланган «Ватан ҳимоячилари куни», 8 март — «Хотин-қизлар куни», «Наврўз», «Хотира ва қадрлаш куни», «Мустақиллик куни», Муборак Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити байрамлари муносабати билан ҳомийлар ҳисобидан кўп миқдорда моддий ёрдам ва байрам совғалари топширилди.

«Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши ва унинг ҳудудий бўлимлари фахрийларни ижтимоий муҳофаза этишни кучайтириш мақсадларига 574 миллион сўм маблағ сарфлади.

Юртимизнинг олис туман ва қишлоқларида истиқомат қилаётган 67 мингдан зиёд фахрийнинг Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларга, муқаддас қадамжоларга саёҳат ва зиёратлари ҳокимликлар ва ҳомийларнинг беғараз ёрдами туфайли бепул ташкиллаштирилди.

Ўтган давр мобайнида «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан тузилган ҳамкорлик битимларига мувофиқ фахрийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ўнлаб тадбирлар амалга оширилди ва улар ўз самарасини берди.

2011 йилда мамлакатимизда нишонланган умумхалқ байрамлари доирасида «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши ва унинг ҳудудий бўлимлари иштирокида 50 мингдан зиёд тарбиявий, маданий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилиб, уларда 500 мингдан ортиқ фахрийлар иштироки таъминланди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг молиявий асосини мустаҳкамлаш мақсадида «Нуроний» жамғармаси тизимида янги 76 та кичик корхоналар, 25 та «Нуронийлар боғи» ташкил этилиб, 465 нафар фуқаролар иш билан таъминланди.

2012 йилни Президентимиз «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилди. Нуронийлар ушбу қарорни зўр мамнуният билан кутиб олишди. Чиндан ҳам, оиланинг мустаҳкамлигида кексаларнинг ўрни алоҳида. Аслида янги вужудга келаётган ҳар бир оила, одатда, ота-оналарнинг фотиҳаси билан, уларнинг хайрихоҳлигида воқеликка айланади. Кўпни кўрган қариялар оила аҳлининг дадил қад ростлашида, солиҳ фарзандларни тарбиялашда доимо бақамти бўлишади. Ҳаётда рўй берадиган қийинчиликларни қандай енгиш мумкин, ҳамма ҳавас қиладиган оилани қандай қуриш керак — буларнинг ҳаммасига катта ва сермазмун умр йўлини босиб ўтган нуронийлар маслаҳати ва йўл-йўриғи асосида эришилади. Қолаверса, ота-боболарнинг ҳаётий намуналари ёшлар учун чинакам ибрат мактабидир. Нуронийлар юртимизда амалга ошираётган ислоҳотларда фаол иштирок этажагини билдиришди.

Тадбир якунида зўр эътиқод ва эҳтиром билан дуо қилинди. Оқсоқолларнинг эзгу каломида юртимиз гуллаб-яшнаши, тинчлик ва осойишталик барқарорлиги, Ватанимиз равнақи Яратгандан сўралди. Бу дуолар ижобат топиши муқаррар.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Баркамол авлод тарбияси

ҳар биримизнинг зиммамизда

Фарзанд — инсон ҳаётининг давомчиси. Унинг оёғига кирган тикан ота-она юрагига қадалади, гўё. Болам тенқурларидан кам бўлмасин дея, елиб-югурамиз, айтганини бажарамиз-у, лекин баъзан унинг тарбияси, одоб-ахлоқига иккинчи даражали масаладек қараймиз.

Кўпчилик тарбия — ҳаёт-мамот масаласи, унга эътиборсизлик эса жуда катта хато эканлигини кеч англайди. Ҳолбуки, халқимизда отанг қилган ишлар билан эмас, фарзандинг бажарган амаллар билан ғурурлан, деган ибора бор. Дарҳақиқат, эл орасида фарзандларимиз туфайли қаддимизни кериб юрамиз. Улар кўзимиз қароғи, ҳаётимиз чироғи, умримиз мазмунидир. Лекин ана шу тушунчаларни баъзан турмуш ташвишларига ўралашиб унутиб қўямиз.

Айниқса, вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир этилиши олдини олиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан. Бу йўналишда иш олиб борувчи давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш — турли қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишда яхши самара бериши тажрибадан маълум. Жумладан, ёш авлодни тўғри тарбиялаш, уларни ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишга ўргатишда ФХДЁ ходимларининг ҳам масъулияти катта.

Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорида ана шу масалалар ўз ифодасини топган. Қарорга кўра, тегишли идоралар зиммасига нафақат ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланиш, улар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, вояга етмаганларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш вазифаси ҳам юкланган. Зеро, таълим-тарбияда ҳуқуқий билимнинг аҳамияти катта. Замоннинг ўзи ҳар бир кишини ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлишини тақозо этаётир. Айниқса, бевосита ёшлар билан ишлайдиган мураббийлар бошқа билимлар қаторида ҳақ-ҳуқуқ, фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳақида маълумот беришса, шубҳасиз, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган қонунбузарликлар камайган бўларди.

Донишмандларимиздан бири Абдулла Авлонийнинг «тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Дарвоқе, мухтасар айтганда, оилада фарзанд улғаётган экан, уларнинг тарбияси учун доим масъул эканлигимизни бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз жоиз. Муҳтарам Президентимизнинг «**...оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор**» деган пурвиқор сўзлари замирида ҳар биримиз зиммамиздаги айни шу бурч ва айни шу масъулият ҳам ётганини чуқур англамоғимиз керак, албатта.

Феруза УСМОНОВА,
Наманган шаҳар 3-сонли ДНИ катта нотариуси.

AGROBANK

Реклама ўрнида

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланган ўтган 2011 йил давомида ҳам ҳар галгидек Агробанкнинг Бухоро вилоят бошқармаси ўз иш фаолиятини вилоят халқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, банк соҳасини такомиллаштиришга қаратилган ҳолда иш олиб борди. Бугунги кунда вилоят Агробанк филиалларида турли мулк шаклларидаги 15500 тадан ортиқ юридик шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатилмоқда. Улардан 5216 тасини кичик бизнес субъектлари, 7767 тасини фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этади.

Банклар — ривожимиз таянчи

Бошқарма жамоаси саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва уларни модернизациялаш йўлида қатор ибратли ишларга қўл уриб, салмоқли натижаларга эришди.

Биргина мисол: банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан «Бухоро гилам» қўшма корхонасига 115,0 минг ЕВРО миқдорида ускуналар сотиб олиш учун кредит-сармоя ажратиши — бу ерда 2,9 минг тонна акрил толаси (ип калава) ҳамда 665,1 минг метр квадрат гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати яратилишига имкон берди. Натижада, корхонанинг молиявий ҳолати бақувватлашиб, қўшимча 80 та янги иш ўринлари яратилди. Эътиборли жиҳати шундаки корхона томонидан хисобот йилида қарийб бир миллион АҚШ долларига яқин маҳсулот четга экспорт қилинди. Айни пайтда корхонани янада ривожлантириш, ип калава ҳамда гиламларни энг илғор технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида банк томонидан қўшимча инвестициявий кредит ажратилиши белгиланди.



Бошқа соҳаларда эришаётган самаралар ҳам чакки эмас. Масалан, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаш маблағлари ҳисобидан 2012 йилнинг 1 январигача ажратилган кредитлар параметри 115 фоиз бажарилди. Жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш борасида банк бўлимлари томонидан банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан белгиланган режа 152 фоиз адо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид қарорлари талаблари ижролари юзасидан 2011 йил учун кредитлар ажратиш бўйича белгиланган режа ортиғи билан бажарилди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларида сабзавот ва полиз экинларини етиштиришлари учун, боғдорчилик ҳамда узумзорларни кенгайтириш учун, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва иссиқхоналар ташкил этишлари учун ажратилаётган кредитлари, айниқса, ижобий натижа бермоқда. ***Масалан, банк мижози бўлган «Сулаймонбобо ТО» ҳамда «Жушқин Пермаст» фермер хўжаликларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан наслли қорамолчиликни ривожлантириш учун ажратилган 520 миллион сўм кредит эвазига Украина давлатидан 100 бош наслли қорамоллар келтирилди. Бугунги кунда ушбу наслли қорамолларни кўпайтириш мақсадида наслчилик фермалари ташкил қилинди ва яна 22 та янги иш ўринлари яратилди.***

Қишлоқ хўжалигини техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш мақсадида қилинган ишлар кўламига ҳам эътибор беринг: соҳага 5 миллиард 266 миллион сўм сармоя ажратилиб, ушбу сармоялар ҳисобига фермер хўжаликларига TS-6070 русумли 13 дона ҳамда бошқа русумдаги 116 дона ҳар хил русумли чопиқ тракторлари, 3 дона чигит экиш сеялкаси, 12 дона КХУ культиваторлари ва турли хил тиркама воситалар ҳамда эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.

Қисқасини айтганда, «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Бухоро вилоят бошқармаси жамоалари вилоят халқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқлар ривожини жадаллаштириш йўлида уларга кредит-сармоялар ажратиш кўламини ҳар жиҳатдан оширишга астойдил бел боғлашган.

Абдуғани СОДИҚОВ.

Реклама ўрнида

Мувофиқлик сертификати — сифат кафолати

Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ўтган йил давомида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаэги Қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан муайян ишларни амалга оширди.

Марказнинг сертификатлаштириш идораларига маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича ўтган йилда 592 та мурожаатлар бўлган бўлса, сертификатлаштириш миллий тизимида белгиланган тартибга асосан 1001 та мувофиқлик сертификати тақдим этилди. Озиқ-овқат маҳсулотларига берилган 404 та, қурилиш маҳсулотларига тақдим этилган 122 та, электротехника маҳсулотларига берилган 466 та мувофиқлик сертификати шулар жумласидандир. 2010 йилда эса 370 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилганди. Демак, ишлаб чиқарувчилар, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлар сони тобора ортиб бормоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг давлат стандарти меъёри талаблари асосида эканлиги инспекцион назоратида муҳим роль ўйнайди. Сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан назорат ўтказиш қоидаларига асосан 15 та корхонада бундай тадбир олиб борилди. Назорат натижалари бўйича 15 та корхонага берилган мувофиқлик сертификатларининг амал қилиши тасдиқланди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмасининг мурожаатига асосан навбатдан ташқари ўтказилган инспекция назорати натижаси бўйича битта корхонага берилган мувофиқлик сертификатининг амал қилиши вақтинча тўхтатиб қўйилди ва мувофиқлик белгисини қўллаш тақиқланди ҳамда бу ҳақда истеъмолчиларга хабар берилди.

— Ўлчаш воситаларини мажбурий давлат кўригидан ўтказиш учун метрологик қиёслов шартномаларини амалга ошириш ҳамда «Метрология тўғрисида»ги Қонуни талабларини бажариш борасида Бекобод синов ва сертификатлаштириш марказининг қиёслаш бўлими томонидан эса вилоятдаги корхоналар ва ташкилотлар билан тўлиқ ишлар олиб борилди, — дейди марказ директори Ақилбек Мустафоев. — Жумладан, «Оҳангарондон маҳсулотлари», «Кучлик нефть базаси» УК, «Тошкентэлектртармоқлари» АЖ, «Тошкентгазтаъминот» УК, «Тошкентвилоятбозорсавдо» уюшмаси, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасида ўлчаш воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш, хомашё лабораториялари ва ёнилғи-энергетика ресурсларининг аниқ ҳисоб-китобини олишни таъминлаш мақсадида марказнинг қиёсловчилари 7658 дона ўлчаш воситалари ҳисобини олиб, қиёслов ишларини амалга оширдилар. Натижада шундан 152 донаси яроқсиз деб топилди.

Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази фаолият кўрсатадиган ҳудудда тўртта деҳқон бозори бўлиб, улар билан шартномалар тузилиб, метрологик хизматлар кўрсатилди. Энг муҳими, истеъмолчилар манфаати йўлида бу борадаги амалий ишлар доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Давур ЖОЗИЛОВ,
"Adolat" мухбири.

Президентимиз раҳнамолигида изчил олиб борилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётир. Фарғона вилоятида ҳам ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати ва харидоргирлиги ошмоқда.

Тадбиркорлик — фаровонлик омили

Бувайда туманидаги «Аҳмад Тож Ҳайдар» хусусий корхонасида болалар учун трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Корхона маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорига эга. Ўтган йили бу ерда тайёрланган бежирим болалар кийим-кечакларининг бир қисми экспортга чиқарилди.

— Айни пайтда мактаб ўқувчилари учун форма ва бошқа турдаги кийимлар ҳам тикмоқдамиз, — дейди корхона раҳбари З.Тожиматова. — Маҳсулотларимиз юртимизда ишлаб чиқарилган табиий матолардан тикилгани ва юқори сифати билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Давлатимиз томонидан биз, тадбиркорларга яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар фаолиятимизни янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Корхонада ўттиз нафардан зиёд хотин-қиз касаначилик асосида меҳнат қилади. Бу ерда ташкил этилган ўқув курсида ёшларга пиширириқлар тайёрлаш, тикувчилик каби касб-ҳунар сир-асрори ўргатилмоқда.

«Ибрат» шаҳарча фуқаролар йиғинидаги тадбиркор С.Ёқубова раҳбарлик қилаётган «Феруза» кўптармоқли фирмаси ёғоч ва пластик буюмларни қайта ишлаш ва тикувчилик цехлари, заргарликка ихтисослашган маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, ҳаммом, 80 ўринли ошхона ва бошқа объектларни ўз ичига олган. Бу ерда кўплаб қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланган.

Яқинда ушбу фирмада нон тайёрлаш цехи ишга туширилди. Натижада яна ўн киши кафолатли иш билан таъминланди. Айни пайтда корхона томонидан ушбу ҳудудда спорт майдони ва бассейн қурилмоқда.

Туманда олиб борилаётган янги объектлар қуриш, чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ишлари аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Керилганнинг кекини кўр...

Лукма

«XXI аср» газетасининг куни кеча — 2 февраль сонида чоп этилган «Озчилик «Адолат»чиларда» сарлавҳали чимдим савол-жавобни ўқиб, рости, кулгим келди. Унда бир талаба тенгдошимнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар ва уларнинг партияларга мансублиги ҳамда қайси сиёсий партиянинг парламентда кўпчилик овозга эга эканлиги ҳақидаги саволига жавоб тайёрлаган таҳририят ходимлари «адашибди»лар чоғи...

Саволда «Олий Мажлис...» деб аниқ сўралаяпти. Жавоб эса **«Олий Мажлий»** ҳақида бўлибди.

Ё мамлакатимиз Қонунчилик ҳокимиятида Олий Мажлис ҳам, **Олий Мажлий** ҳам борми? Боз устига жавобда «...ЎзЛиДеП фракцияси вакилларининг овози нисбатан **устун мавқега** эга» (!) дея мақтанчоқлиги ҳам камтарликдан бўлмабди, «...вакиллари нисбатан кўпчилик овозга эга» деса ҳам бўлаверарди...

Қолаверса, шугина митти савол-жавоб ҳам партиялараро рақобат ҳақидаги материаллар сирасига кирадими? Ол-а!

Миржалол НОМОЗОВ,
Тошкент автомобиль йўллари институти талабаси.

Ҳамжиҳатлик ва барқарорлик гарови

Ҳидоят сари

Истиқлол туфайли жаннатмонанд мамлакатимизда эътиқод эркинлиги қонуний равишда кафолатлаб қўйилди. Деярли унутилаёзган миллий ва диний қадриятлар тикланди, диндорларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари, таълим олишлари, адабиётлар нашр этишлари ва оммавий ахборот воситаларидан баҳраманд бўлишлари учун барча шароитлар яратилди. Рўза ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунлари дам олиш кунлари деб белгиланиб, байрам сифатида эълон қилинди.

Барчамиз шу Ватаннинг тенг ҳуқуқли фуқароларимиз. Бу эса зиммамизга катта масъулият ва бурч юклайди. Айниқса, Ватан равнақи, тинчлиги, осойишталиги ва унинг ҳар томонлама ривожланиб, тараққий топишида ўзаро ҳамжиҳатлик асосида саъй-ҳаракат қилишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Дахрийликка асосланган собиқ шўролар даврида барча диний ва миллий қадриятларидан узилган халқимиз истиқлолдан кейин имон-эътиқод сари юз тутди. Зеро, ҳар бир миллат ўзининг руҳий-эътиқодий илдизларидан узилса, инқирозга учраши табиий бир ҳол эди. Давлатимиз раҳбари ана шу нозик туйғуни чуқур ҳис этиб, мустақилликнинг илк кунлариданоқ жамиятда маърифат ва маънавиятни юксалтириш, халқнинг имон-эътиқодини кучайтиришга катта аҳамият берди ва бу борадаги фикрлари ҳам эътирофга молик. «Дин бизнинг қонқонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда».

Юртбошимиз ташаббуслари билан Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро марказнинг фаолият бошлаши ҳам мамлакат маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу ерда ҳадис илми бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, турли халқаро илмий анжуманлар ўтказилмоқда, юртимиздаги масжидларнинг имом-хатиблари ўз малакаларини оширишмоқда.

Жаҳон ислом тамаддунига, фан ва маданиятига улкан ҳисса қўшган Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Фарғоний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳрор Валий каби атоқли ислом олимлари ва тасаввуф уламоларининг таваллуд айёмлари кенг нишонланди, қадамжолари обод қилинди, асарлари нашр этилди. Қуръони карим ва унинг маънолари, ҳадислар тўпламлари бир неча марта чоп қилинди.

Мустақиллик йилларида Имом Бухорийнинг «Ал Жомиъ ас-Саҳиҳ», «Ал-адаб ал-Муфрад», Бурҳониддин Марғилонийнинг «Ҳидоя», Абу Исо Термизийнинг «Сунан», мазҳаббошимиз Имом Аъзамнинг «Асарлар» ва «Муснад» каби машҳур асарлари, ақоид, фиқҳ усуллари, ҳадис, сийрат, тафсир, араб тили сарфи ва наҳвига доир ўнлаб дарслик ва китоблар нашр этилди. Барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларда ҳамма қулайликларга эга юзлаб янги масжидлар қурилди, қадимийлари таъмирланди. Ўнлаб ислом ўқув юртларида азиз ўғил ва қизларимиз ислом таълимотларини чуқур эгалламоқдалар. Бундай бунёдкорлик ишлари барча вилоят ва шаҳарларда ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Истиқлол шарофати билан Юртбошимизнинг ташаббус ва раҳнамоликларида Ҳазрати Имом мажмуасининг асл тарихий қиёфасини тиклаш учун бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободончилик ишлари олиб борилди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг янги биноси, беш минг намозхонга мўлжалланган ҳашаматли жоме масжиди ва унинг эллик икки метрли икки улкан минораси, Ислом маъҳади биноси қуриб битказилди. Мажмуа доирасидаги қадимий масжид, мадраса ва бошқа тарихий обидалар қайта таъмирланди.

Жаҳондаги мўътабар Ислом анжумани ташкилоти Тошкент шаҳрини «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилди. Бу юртимиз ва халқимизнинг Ислом маданияти ва равнақига қўшган ва қўшаётган буюк ҳиссасининг юксак эътирофи бўлди. Шу воқеа муносабати билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида йирик халқаро анжуманлар ўтказилди. Уларда юздан зиёд давлат ва дин арбоблари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, йирик уламолар иштирок этишди. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан йигирмадан ортиқ олим ўзининг илмий маърузалари билан иштирок этди.

Булардан ташқари ойлик «Ҳидоят» журнали ва «Ислом нури» газеталари кўп сонли тиражда чоп этиб келинмоқда, телевидение орқали «Ҳидоят сари» ва «Зиё» дастурлари мунтазам равишда намойиш этилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси мустақиллик берган имкониятлар ва эркинликлардир. Мўмин-мусулмонларимиз Аллоҳ таоло ато этган мустақиллик неъматига, ибодатларни эмин-эркин адо этиш неъматига доимий шукроналар айтишлари лозим.

Аллоҳ таоло барчаларимизни улуғ, азиз мустақиллик неъматига шукрлар айтиб, уни янада мустаҳкам ва бардавом бўлиши йўлида савобли амалларни қилишимизга насибу рўзи айласин!

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ.

Божхона бекати

Хорижга қандай мақсадда бўлишидан қатъи назар қуруқ ҳамён билан чиқилмаслиги аниқ. Лекин бу мамлакатимиздаги нақд хорижий валюталарни исталганча ташиб кетиш мумкин дегани эмас. Амалдаги тартибларга мувофиқ, республикамизда резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги нақд хорижий валютани божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарти билан эркин олиб чиқиб кетишларига рухсат этилади. Бундан ортиқ миқдордаги нақд валюталарни олиб чиқиш учун эса ваколатли банклар ёки Марказий банкнинг ўрнатилган тартибдаги рухсатномаси талаб этилади. Юртимиздан чиқиб кетаётган хорижий фуқаролар эса кириш чоғида олиб кирган нақд валюталари миқдорига тенг валютани олиб чиқиб кетишлари мумкин.

Аввали пинҳон, кейини ошкор

Мазкур тартиблар ҳақида батафсил эслатмалар барча божхона постларининг баённомаларни тўлдириш устунларига ўзбек, рус ва инглиз тилларида илиб қўйилганига қарамай, сафарга отланган юртдошларимиз ва хорижликлар томонидан нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб чиқилиши билан боғлиқ ҳолатлар учраб турибди. Бу эса сири фош бўлгач, амалдаги тартиблардан бехабарлигини пеш қиладиган қонунбузарларнинг аслида божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишга уриниши иш бермаганини англатади.

Янги йилнинг илк ойида "Тошкент — Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан шу турдаги бир нечта қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинди.

Истамбулга парвози олдидан АҚШ фуқароси С.Ирина юклари орасидаги 740 АҚШ доллари ҳақида божхона баённомасида ва божхона ходимининг оғзаки сўроғи пайтида маълум қилишни "унутиб" қўйибди.

Божхоначиларнинг шубҳаланиши натижасида холислар иштирокида шахсий кўрикдан ўтказилган пойтахтлик Ф.Абдурасулова пальтосининг чўнтагида "пайдо" бўлиб қолган 1000 АҚШ долларини кўриб, ер чизиб қолди.

"Тошкент — Москва" рейси билан юртига отланган А.Владимирнинг орқа чўнтагига эса божхона баённомасида кўрсатилмаган 35 минг Россия рубли "оғирлик" қилди.

Алматага йўл олган Г.Файзиева ҳам 1620 АҚШ доллари билан "хайрлашди". Нақд хорижий валютани божхона баённомасида ва оғзаки сўров пайтида яширгандан кейин яна нимани ҳам кутсин?

Чин юртидан келган меҳмон Ж.Чу эса иззатини ортиқча баҳолади. У 3200 АҚШ долларини бемалол олиб чиқиб кета оламан деб қаттиқ янглишди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2011 йил давомида "Тошкент — Аэро" ИБК ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 236 та қонунбузарлик ҳолатларида салкам 867 миллион сўм эквивалентдаги нақд валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

"Тошкент — Аэро" ИБК
Ахборот хизмати.

Хўжайли:

иқтисодиёт ривожи — аҳоли турмуш тарзининг равнақи

Мустақиллик йиллари Хўжайли туманида қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, қурилиш, ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Туманнинг қайси манзилгоҳида бўлманг, замонавий уй-жойлар, мактаб ва коллежлар, қишлоқ врачлик пунктлари, равон йўллар, боғ-роғларга кўзингиз тушади. Буларнинг ҳаммаси сўнгги йилларда туман иқтисодиётида юз берган ислоҳотлар самараси, албатта. Биргина 2011 йил якунларининг айрим рақамларигагина бир разм ташланг:

✦ *маҳаллий бюджетнинг даромадлар қисми режаси 13 миллиард 820 миллион сўм миқдорида белгиланиб, амалда 13 миллиард 891 миллион сўм ҳажмида бажарилди;*

✦ *белгиланган солиқлар ва йиғимлар режаси 100,3 фоизга уддаланди;*

✦ *пуллик хизматлар кўрсатувчи корхоналар томонидан аҳолига 14 миллиард 547,5 миллион сўмлик хизматлар кўрсатилди. Бу — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан режа 111,7 фоиз бажарилди, деганидир.*

Мазкур рақамларда туманда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларининг ўзига хос жиҳатлари кўзга яққол ташланиб турибди. Бошқача айтганда, ҳудудда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини мустаҳкамлашга қаратилган чоралар ижросининг ижобий самарасидир.

Туманда 2011 йил давомида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш Дастури бўйича 3897 та иш ўринларини вужудга келтириш режалаштирилган бўлса, йил якунларига кўра бу кўрсаткич 4053 тага етди. Меҳнатнинг янги тури — касаначиликнинг ўзида 524 та, корхоналар билан кооперация асосида 241 та иш ўринлари пайдо бўлди. Фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 1080 та, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш эвазига 195 та янги иш ўринлари очилди. Жумладан, касб-ҳунар коллежларини битирган 2296 нафар талаба муқим иш жойларига эга бўлдилар. Айниқса, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва берилаётган имтиёзлар алоҳида ибратга лойиқ. Туман тижорат банклари томонидан 2011 йилда уларга 9 миллиард 855,7 миллион сўм кредит ресурслари ажратилди. Ташқи савдо айланмаси 20 миллион 602,4 минг АҚШ доллари (ўтган йилга нисбатан 146,1 фоиз)ни ташкил қилди. Чет эл инвестицияси иштирокида фаолият кўрсатаётган 2 та корхонада 4 миллиард 306,6 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 1 миллион 340,4 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт ва 426,6 минг АҚШ доллари ҳажмида импорт операциялари амалга оширилди.

✦ *пахта, пилла, гўшт, сут ва тухум етиштириш бўйича белгиланган топшириқлар ортиғи билан бажарилди;*

✦ *саноат корхоналарида 59 миллиард 800 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди;*

✦ *халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 36 миллиард 296 миллион сўмлик бўлди;*

✦ *транспорт соҳасида 799,4 миллион тонна юк ташилиб, ўсиш суръати 100,1 фоизни ташкил этди;*

✦ *фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар 609,9 миллион сўмга етди;*

✦ *қурилиш соҳасида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан капитал қўйилмаларни ўзлаштириш топшириғи режадаги 16 миллиард 590 миллион сўм ўрнига 37 миллиард 599 миллион сўм миқдорида адо этилди.*

Мазкур далиллар туманда истиқомат қилаётган ва меҳнатга яроқли ҳар бир инсон аниқ мақсад сари интилиб, яратиб берилган барча шарт-шароитлардан тўла баҳраманд бўлаётганидан, керак жойида улар рағбат ва имтиёз олаётганидан, пировардида, мақтовга лойиқ марралар эгаллаётганидан ёрқин далолатдир.

Туманимизда мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 6 сентябрдаги «Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни ривожлантириш ва қурилишни яхшилаш борасида қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги Қарори ижроси ҳам изчил, муваффақиятли бажарилмоқда. Мустақиллигимизнинг шонли 20 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги байрамлари арафасида 10 та ана шундай турар-жойлар калити уларнинг ўз эгалари қўлига топширилди. Ҳадемай, «Қарақалпақ Микс Дейри» масъулияти чекланган жамиятда 700 тонна сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш (лойиҳа баҳоси 328,8 минг АҚШ долларига тенг) линияси ишга тушиши кутилмоқда. «Элит Старс Текстайл» масъулияти чекланган жамиятда тўқимачилик-атторлик моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бунгача уларга 18 миллиард 868 миллион сўм миқдорида инвестиция киритилгани алоҳида таъкидга жоиз.

Хуллас, юқорида айтганимиздек, Хўжайлида иқтисодий ислоҳотлар жадал ва дадил одимлар билан бормоқда. Унинг ривожи — аҳоли турмуш тарзи ривожига, равнақига сўзсиз катта ижобий таъсир ўтказаётир.

Мэлс ҚОСНАЗАРОВ,
Хўжайли туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари,
Гулом ХИДИРОВ,
"Adolat" мухбири.



"Стеклопластик" маҳсулотларига талаб катта

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили юртимиздаги таълим муассасалари, маҳаллаларда замонавий спорт мажмуалари қурилмоқда.

Ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб ўсишида спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис, мамлакатимизда спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилаётир. Хусусан, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари тизими жорий қилиниб, мазкур тадбирларни ўтказиш учун жойларда махсус спорт мажмуалари бунёд этилмоқда. Ушбу иншоотларни зарур спорт инвентарлари билан таъминлашда юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналардан. Бу ерда олтмиш турдан зиёд спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилиб, юртимиздаги таълим муассасалари, спорт мажмуаларига етказиб берилмоқда.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозларининг асосий харидорлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобланади, — дейди корхона раҳбари Икром Ҳасанов. — Улар билан тузилган шартномалар асосида кейинги ўн йил давомида мамлакатимиздаги 500 дан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, 1200 дан ортиқ умумтаълим мактабларига зарур спорт жиҳозлари етказиб берилди. 2011 йилда 2 миллиард 286 миллион сўмлик спорт жиҳозлари тайёрлаш бўйича буюртмалар олиниб, амалда тўла бажарилди. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги «Динамо» стадиони учун 13 минг дона пластмасса ўриндиқ тайёрлаб берилди. Термизда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари муносабати билан бунёд этилган стадионни ўриндиқлар билан таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшдик.

Спорт инвентарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга давлатимиз томонидан кенг имконият ва имтиёзлар берилиши фаолиятимизни янада кенгайтириш, маҳсулот тури ва сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Ҳар йили хориждан замонавий технологиялар келтириш орқали янги турдаги маҳсулот тайёрлашни ўзлаштиряпмиз. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастуридаги иштирокимиз ҳам кенгайиб бормоқда. Айни пайтда 32 хил спорт жиҳозларимиз мазкур дастур асосида тайёрланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур корхона қарийб тўрт йилдан буён ISO 9001:2008 сифат менежменти тизимини жорий этган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажми ва тайёрланаётган маҳсулот сифатини ошириб бориш, таълим муассасаларини махсус мебель ва спорт жиҳозлари билан таъминлаш бўйича миллий ва халқаро тендер танловларида муваффақиятли иштирок этиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Жорий йилда Навоий шаҳрида юртимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларига тайёргарлик жараёнида ҳам корхона фаол қатнашмоқда. Мазкур тадбир ўтказиладиган стадион учун 23 минг ўриндиқ тайёрланмоқда.

Ғ. ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.



А.ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Реклама ўрнида

Кичик бизнес субъектлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОТ-1

ЛО1-1. Фарғона вилояти Бағдод тумани Самарқанд ҚФЙ Самарқанд қишлоғига 820 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚС сиз 34 917 000 сўм ва ҚҚС билан 41 900 000 сўм.**

ЛОТ 1-2. Фарғона вилояти Бешариқ тумани Қашқар ҚФЙ Янгиқўрғон қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 900 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚС сиз 117 000 000 сўм ва ҚҚС билан 140 400 000 сўм.**

ЛОТ 1-3 Фарғона вилояти Бешариқ тумани Ватан ҚФЙ Увада қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 1490 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **133 250 000 сўм ККС сиз 159 900 000 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 1-4 Фарғона вилояти Бувайда тумани Қўнғирот ҚФЙ Алимерган қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 1800 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 137 600 000 сўм ва ҚҚС билан 165 120 000 сўм.**

ЛОТ-2

ЛОТ 2-1 Фарғона вилояти Данғара тумани Найманча ҚФЙ Катта аравон қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 1580 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошлангич нархи: **ҚҚСсиз 130 583 000 сўм ва ҚҚС билан 156 700 000 сўм.**

ЛОТ 2-2. Фарғона вилояти Данғара тумани Санам ҚФЙ Гулбой қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 300 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 80 167 000 сўм ва ҚҚС билан 96 200 000 сўм.**

ЛОТ 2-3. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Оқбўйра ҚФЙ Оқбўйра қишлоғига тик сув қудуғи ковлаш ва 380 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚС сиз 92 750 000 сўм ва ҚҚС билан 111 300 000 сўм.**

ЛОТ 2-4. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Ғайрат ҚФЙ Журак қишлоғига тик сув қудуғи ковлаш ва 2240 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 137 750 000 сўм ва ҚҚС билан 165 300 000 сўм.**

3-ЛОТ

ЛОТ 3-1. Фарғона вилояти Риштон тумани Оқар ҚФЙ Оқар қишлоғига 660 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 27 392 000 сўм ва ҚҚС билан 32 870 000 сўм.**

ЛОТ 3-2. Фарғона вилояти Риштон тумани Риштон ҚФЙ Абдуллабаён қишлоғига тик сув қудуғи ковлаш ва 1650 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 128 917 000 сўм ва ҚҚС билан 154 700 000 сўм.**

ЛОТ 3-3. Фарғона вилояти Фурқат тумани Шунқор ҚФЙ Қизилқиёқ қишлоғига 1550 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 47 917 000 сўм ва ҚҚС билан 57 500 000 сўм.**

ЛОТ 3-4. Фарғона вилояти Фурқат тумани Қўқон ҚФЙ Шоимбек қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 300 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 80 250 000 сўм ва ҚҚС билан 96 300 000 сўм.**

ЛОТ 3-5. Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Тўхтабоев ҚФЙ Бешқўрғон қишлоғига тик сув қудуғи ковлаш ва 1580 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 116 750 000 сўм ва ҚҚС билан 140 100 000 сўм.**

4-ЛОТ

ЛОТ 4-1. Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Хонобод ҚФЙ Қуммаҳалла қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 810 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 110 250 000 сўм ва ҚҚС билан 132 300 000 сўм.**

ЛОТ 4-2. Фарғона вилояти Фарғона тумани Аввал ҚФЙ Аввал қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 2650 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚС сиз 184 142 000 сўм ва ҚҚС билан 220 970 000 сўм.**

ЛОТ 4-3. Фарғона вилояти Фарғона тумани Миндонобод ҚФЙ Миндонобод қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 900 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚС сиз 134 000 000 сўм ва ҚҚС билан 160 800 000 сўм.**

5-ЛОТ

ЛОТ 5-1. Фарғона вилояти Фарғона тумани Водил ҚФЙ Ёшларобод-2 қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 590 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 121 500 000 сўм ва ҚҚС билан 145 800 000 сўм.**

ЛОТ 5-2. Фарғона вилояти Қува тумани Акбаробод ҚФЙ Дамариқ қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 770 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚС сиз 94 258 000 сўм ва ҚҚС билан 113 110 000 сўм.**

ЛОТ 5-3. Фарғона вилояти Қува тумани Намуна ҚФЙ Пахтаобод қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 900 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 116 667 000 сўм ва ҚҚС билан 140 000 000 сўм.**

ЛОТ 5-4. Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Мингтут ҚФЙ Ҳасанобод қишлоғига 3050 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 91 050 000 сўм ва ҚҚС билан 109 260 000 сўм.**

ЛОТ-6

ЛОТ 6-1. Фарғона вилояти Учкўприк тумани Чорбоғ ҚФЙ Эшимбек қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 1100 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 113 917 000 сўм ва ҚҚС билан 136 700 000 сўм.**

ЛОТ 6-2. Фарғона вилояти Учкўприк тумани Сариққўрғон ҚФЙ Муллазоир қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 1450 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 123 508 000 сўм ва ҚҚС билан 148 210 000 сўм.**

ЛОТ 6-3. Фарғона вилояти Қўштепа тумани Қўштепа ҚФЙ Қамиштепа қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 1310 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 120 917 000 сўм ҚҚС билан 145 100 000 сўм.**

ЛОТ 6-4. Фарғона вилояти Қўштепа тумани Сармозор ҚФЙ С.Турсунов қишлоғига тик сув қудуғи кавлаш ва 300 м сув ва оқава сув тармоқлари тортиш ишлари.

Бошланғич нархи: **ҚҚСсиз 72 800 000 сўм ва ҚҚС билан 87 360 000 сўм.**

Муддати – 01.10.2012 йил.

Буюртмачи: **"Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.**

Манзил: **Фарғона шаҳри К. Раҳимов кўчаси 2-а уй. тел.(373) 224-24-33.**

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

ТАНЛОВДА ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ҚАТНАШАДИ.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, К. Раҳимов кўчаси 2-а уй. Тел/факс: 224–18–71, 224–18–76.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб **ўттиз (30)** кундан кейин, **Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси 2-а уй манзилда ўтказилади.**

Шоир асарларида адолат ва ҳақиқат тараннуми

9 февраль — Ҳазрат Алишер Навоий таваллуд топган кун

"Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз саньаткоридир.

Таъбир жоиз бўлса, туркий ва форсий тилда сўзловчи бирор-бир инсон йўкки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса. Агар бу зотни авлиё десак, у — авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак — мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султонидир".

Ислом КАРИМОВ

Жаҳон маданиятининг қадимий бешикларидан бўлган Шарқ фалсафаси, маънавияти, маърифати, ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихида адолат, эзгулик, тенглик, ҳақиқат тушунчалари минг йиллар давомида салмоқли ўрин тутиб келади.

Адолат ва ҳақиқат хусусидаги Навоий таълимотининг мазмун-моҳияти, маъносига кўра ўта чуқурлиги, қамрови кенглиги, илмий асосланганлиги, замонавийлиги, буюк зот яшаган давр талаб ва эҳтиёжларига ҳамоҳанглиги, миллийлиги ҳамда умумбашарий аҳамиятига эгалиги билан эътиборга сазовор.

Адолат ва ҳақиқат инсон ҳаёти учун сув ва ҳаво сингари зарур. Адолат — одам ҳаётининг муҳим мезони, инсоний фазилатлар ичида энг олий фазилат. Адолат ва ҳақиқат шамчироғи ловуллаб ёниб, чарақлаб, нур тараб турмаган, у қарор топмаган мамлакат ва эл-улусда ижтимоий барқарорлик бўлмайди, зиддиятлар авж олиб, юртдан хайр-барака кўтарилади, инсон қадр-қиммати тушиб раъиятда норозилик кучаяди, давлат куч-қудратига путур етади. Адолатсизлик, унга бир киши сабаб бўладими ёки кўпчилик, катъи назар, разолат ва қабоҳатдир.

Навоийнинг уқтиришича, адолатли бўлиш учун кўп нарсани билиш шарт эмас, аммо жамият манфаатлари йўлида хизмат қиладиган қонун-қоидаларга ҳурмат билан қараш, уларга риоя этиш шарт, қонунлар ва адолатга бўйсунмай яшаш тубанликдир. Жамиятда адолат ва ҳақиқат барқарор бўлса, шоир фикрича, жамият, халқ ҳеч қачон йўлдан адашмайди. Адолат туфайли эл-юрт фаровон бўлади. Халқнинг бошига бахт қуши қўнади. Одамларнинг кўз ёши тўкилмайди.

Навоий Суқрот, Афлотун, Арасту каби юнон файласуфлари ҳикматлари ва адолат ҳақидаги таълимотларидан мукаммал хабардор бўлган. Бунга унинг "Фарҳод ва Ширин", "Садди Искандарий" каби кўплаб асарларидаги адолат, ҳақиқат, тенглик, маърифат ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳазалари мисол бўлади.

Шоир "Хамса" асарида Искандарнинг: "Адолат воситасида қандай ишларни амалга ошириш мумкин?" деган саволига Арастунинг жавобларини келтирган: "Агар шоҳга адолат қилишлик кундаги одатга айланса, унга бутун оламу дин таслим бўлади. У бу дунёда жаҳонни эгаллаган бўлса, дунёдан ўтгач жаннат тахтини эгаллайди. Агар шоҳ ҳар бир ишда адолат бунёд этар экан, бунинг натижасида унинг мулк — мамлакати ҳам обод бўлади. Мамлакати обод бўлиб, халқи бойидими, демак хазинаси тўлиб тошади. Хазинаси тўлгач аскарларга маоши ҳам ортади. Аскарларнинг қачонки шоҳга майли бўлар экан, душманларнинг устидан ғалаба қозонишига шак-шубҳа бўлмайди. Шоҳ зафар қучдими, унинг қуввати янада ошади. Бунинг устига яна адолат намоён қилса, барча кишилар унга хайрихоҳ ва шукр қилувчи бўладилар, жангда унинг аскарларига дуо билан мадад бериб турадилар. Яна шуниси ҳам борки, адолатни ўзига шиор қилиб олган шоҳни душман томондаги халқ ҳам яхши қабул қилади. Тобе халқ кексалари қўл очиб дуо қилади, аскарлари эса бунинг томонига қочиб ўтишга ҳаракат қилади. Агар шоҳ ҳар бир ишга шунчалик асос ва сабабларга эга бўлган ҳолда ёндашса, унинг жаҳонгир бўлмоғи, яъни ягона, бирлашган давлат арбоби бўла олиши ажабланарли ҳол эмас".

Ҳақ ва адолат йўлида қилинган ҳар қандай иш катта-кичиклигидан қатъи назар, эзгуликдир. Инсон зоти, Навоий таъбири билан айтганда, эгаллаб турган мансаби-ю молдунёси билан эмас, халқ манфаати йўлида, юрт ободонлиги учун қилган эзгу саховати билан улуғ. Ҳақ ва ҳақиқат йўлида захмат чеккан кишиларнинг номлари тарихда абадул-абад қолади. Эзгулик, савоб ишлар боқий.

Шоир таълимотига кўра, одамнинг адолатпарвар, ҳақгўй бўлиши миллатига, мансабига, қайси дин ва мазҳабга мансублигига боғлиқ эмас. Бошқача айтганда, адолат ва ҳақиқат миллат, дин танламайди.

Мир Алишер Навоий ҳазратлари бани-башариятни ҳамиша ва ҳар доим адолат йўлини танлашга даъват этади. "Хамса"нинг ҳамма достонларида, шунингдек, "Тарихи мулуку Ажам", "Тарихи мулуку Анбиё ва ҳукамо", "Вақфия", "Муншоот", "Махбуб ул-қулуб" каби қатор асарлари, девонлари, ғазаллари ва рубоийларида адолат, ҳақиқат тўғрисида ўз қарашларини тараннум этади. Уларда адолатни, ҳақ ва ҳақиқатни қарор топтириш, раъиятни шод этиб хуррам қилиш учун мамлакат тепасида ақлли, зеҳни ўткир, доно-ю донишманд, адолатпарвар, олижаноб шоҳ туриши кераклиги васф этилади. Зеро, адолатли шоҳ кишиларга бахт-саодат олиб келади.

Навоий одил ва маърифатпарвар подшоҳлар тўғрисида шундай дейди: "Адолатли шоҳ ҳақ таолонинг халойиққа кўрсатган марҳаматидир; бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир. Одил шоҳ қуёш билан баҳор ёмғиридек қора тупроқдан гуллар очади ва мамлакат халқи бошига олтин билан дур сочади..."

Хулоса қилиб айтганда, адолат ва ҳақиқат, унинг ижтимоий-фалсафий маъно-моҳияти Алишер Навоий асарларида чуқур таҳлил этилган.

Шокир РАҲИМОВ,
ҳуқуқшунос.

Бунда ёшлар топади камол

Мамлакатимизда ёш авлодни спортга кенг жалб этиш, спорт билан шуғулланиши учун барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қашқадарё вилояти Касби тумани Хўжа Касби маҳалласидаги болалар спорт мажмуаси — ёшларнинг севимли масканларидан. Барча қулайлик ва спорт инвентарларига эга замонавий мажмуада 370 дан зиёд ўғил-қиз кураш, бадиий гимнастика, футбол, мини-футбол, қўл тўпи, стол тенниси каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар орасида ўндан зиёд спортчи республика ва халқаро спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган. Олти нафар малакали мураббий ёшларни тарбиялаш, ғалаба сари руҳлантиришга ўзининг фаол ҳиссасини қўшмоқда.

Суратда: *(чапдан) қўл жанги тўғараги аъзолари Б.Сулаймонов, А.Муҳаммадиев, У.Шарипов, З.Икромов ва А.Мукаррамов.*

Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Амир ТЕМУР ўгитлари

Адоват эмас, адолат енгади.

Душманнинг қулгани, сирингни билгани.

Оқ бўлсанг — онд ичма.

Лочиннинг учарга мадори келмаса, чумчуққа масхара.

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлар.

Той минган — от ҳам минади.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

Бош муҳаррир: Худоёр МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *236-57-14*;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *236-54-39*;
Телефонлар: қабулхона — *236-53-14*; *233-40-86* (факс); котибият — *233-41-89*.
Навбатчи муҳаррир — Фарҳод ЭСОНОВ.
Навбатчи — Ғулом ХИДИРОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 200

Таҳририят манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*
adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 200. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9686. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 21.10
1 2 3 4 5

ISSN 2091-5217

27 июнь — "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни"га бағишлаб Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари матбуот котиблари ўртасида ўтказиладиган «Энг яхши матбуот котиби — 2012» анъанавий танлови НИЗОМИ

I Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом партия Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари ўртасида ўтказиладиган «Энг яхши матбуот котиби — 2012» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Танлов ҳудудий партия ташкилотлари қошидаги матбуот хизмати мутахассислари фаолиятини баҳолаш асосида амалга оширилади.

1.3. Ушбу танлов очиқлик, шаффофлик, рақобат тамойиллари асосида ўтказилади.

II Танлов мақсади

2.1. Танловнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни" муносабати билан партия матбуот котибларини рағбатлантириш;
- матбуот котиблари фаолиятини жонлантиришга эришиш.
- матбуот котибларида ишга янгича муносабат ва ўзаро рақобат кўникмасини уйғотиш.
- танловда ғолиб бўлган партия Кенгашларини касбий фаолиятларида зарур бўлган технологик воситалар билан таъминлаш

III Танлов ташкилотчилари

3.1. Танлов ташаббускори Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Матбуот хизмати ҳисобланади.

3.2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланган комиссия орқали амалга оширилади.

3.3. Танлов ишчи гуруҳи 1 июнь 2012 йил санасигача ҳар бир ҳудудий партия ташкилоти матбуот котибидан номинациялар талаби бўйича тегишли материаллар йиғиб олади ва уларнинг сони ҳамда сифатига қараб таҳлил этади. Ўз хулосасини 15 июнь 2012 йил санасигача партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбарига тақдим қилади.

IV Танлов йўналиши

4.1. Танлов 1 босқичда амалга оширилади. Ҳудудий партия ташкилотлари матбуот котиблари 1 июнь 2012 йил санасигача материалларни партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан масъул қилиб белгиланган ишчи гуруҳга тақдим қиладилар.

V Танлов иштирокчилари

5.1. Танлов иштирокчилари: Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари матбуот котиблари.

VI Танлов номинациялари

6.1 Номинациялар қуйидагича:

- **"Энг яхши танқидий мақола учун"** — газета, журнал, интернет сайтларида чоп этилган ўз-ўзини танқид ва партиялараро рақобат руҳида ёзилган таҳлилий-танқидий мақолалар
- **"Энг яхши таҳлилий мақола учун"** — "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган вазифаларнинг партия томонидан ижросини ёритиш, бошланғич партия ташкилотларидан репортажлар, Аёллар ва "Ёш адолатчилар" қанотлари фаолияти ҳамда партия Сайловолди дастури йўналишлари ёритилган мақолалар
- **"www.adolat.uz сайтидаги фаол иштироки учун"** — сайтга жойлаштирилган мақола ва хабарлар, интерактив баҳс-мунозара, савол-жавоблардаги иштирок, шунингдек, ўз ҳудуди аҳолисини сайтга кенг жалб этишга ҳаракатлар
- **"Маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти ёритилган материаллар учун"** — оммавий ахборот воситаларида ўзи фаолият юритадиган Кенгашнинг маҳаллий депутатлари фаолиятини ёритувчи мақолалар, депутатлар билан интервьюлар, депутатлар муаллифлигида мақола тайёрлашга кўмаклашиш
- **"Маҳаллий ОАВдаги фаол иштироки учун"** — ўзи фаолият юритадиган ҳудудда мавжуд теле ва радиоканаллар, газета ва журналлар ҳамда интернет сайтларида эълон қилинган партия фаолиятини ёритувчи муаллифлик мақолалари, шунингдек, маҳаллий журналистларга партия ҳаётини ёритишда кўрсатган ёрдамлари
- **"Матбуот котибининг энг яхши ташаббуси учун"** — партия ғояларини тарғибот-ташвиқот қилишда Кенгаш матбуот хизмати номидан олиб борилган ишлар, "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси обунасини намунали ташкил қилиш, ҳудудий Кенгаш фаолиятини жонлантириш ва матбуот котибининг самарали фаолиятидан дарак берувчи бошқа ташаббуслар

VII Танлов ғолибларини тақдирлаш

Ғолиб бўлган ҳудудий партия ташкилоти матбуот котиби қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади.

- "Энг яхши танқидий мақола учун" номинацияси ғолиби — нетбук
- "Энг яхши таҳлилий мақола учун" номинацияси ғолиби — фотоаппарат
- "www.adolat.uz сайтидаги фаол иштироки учун" номинацияси ғолиби — USB Интернет модеми
- "Маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти ёритилган материаллар учун" номинацияси ғолиби — диктофон
- "Маҳаллий ОАВдаги фаол иштироки учун" номинацияси ғолиби — флешка
- "Матбуот котибининг энг яхши ташаббуси учун" номинацияси ғолиби — DVD плеер

VIII Танловни ташкиллаштиришни молиялаштириш

8.1. Ғолиб бўлган ҳудудий партия ташкилоти матбуот котибларининг 6 нафари номинациялар бўйича нетбук, фотоаппарат, USB Интернет модеми, диктофон, флешка, DVD плеер ҳамда махсус дипломлар билан тақдирланади.

8.2. Танловни ташкиллаштириш ва ўтказишни молиялаштириш бюджетдан ташқари ва ҳомийлик маблағлари асосида амалга оширилади.

IX Танловга тақдим қилинадиган ҳужжатлар

8.3. Танлов иштирокчилари газета ва журналларда 2011 йил сентябрь ойидан 2012 йил июнь ойигача чоп этилган мақолаларнинг асл нусҳасини, интернет сайтларида эълон қилинган материалларни http манзил кўрсатилган ҳолда, радио ва ТВ маҳсулотларини DVD дискларда топширишлари лозим.